

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯ

Ж.С. МУХТОРОВ, Б.Ф. АЛИМОВ, С.Б. ХЎЖАҚУЛОВ

ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ
ТАКТИКА ВА МЕТОДИКАСИ

(Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
мутахассислиги учун)

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

ТОШКЕНТ – 2016

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг
Тахририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р :

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи,
генерал-майор **Ш.Т. Икрамов**

Т а қ р и з ч и л а р :

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош
бошқармаси бўлим бошлиғи подполковник **Б. Султонов**;
юридик фанлар номзоди, доцент **Б. Закиров**

М – 93 **Терроризм ва экстремизмга қарши кураш тактика ва методикаси (Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти мутахассислиги учун):** Маърузалар курси / Ж.С. Мухторов, Б.Ф. Алимов, С.Б. Хўжақулов. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 100 б.

Ушбу маърузалар курсида терроризм ва экстремизмнинг ижтимоий хавфи ва бугунги ҳолати, сабаб ва шароитлари, уларни аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш, унинг олдини олишда профилактика хизматлари томонидан умумий, яқка тартибдаги, махсус ва виктимологик профилактиканинг чора-тадбирларини амалга ошириш, шунингдек профилактика хизматининг ички ишлар органлари бошқа соҳавий хизмати, давлат органлари ва жамоат тузилмалари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлигини ташкил этишнинг замонавий усул ва шакллари қўллашнинг методларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти» мутахассисликлари йўналишида таълим олаётган тингловчиларига, ички ишлар органлари тизими амалиёт ходимларига, шунингдек ушбу соҳада илмий тадқиқот олиб бораётган тадқиқотчиларга мўлжалланган.

ББК 67.99(5У)8.9я73

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016.

СЎЗ БОШИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз тарихан қисқа бир даврни босиб ўтиш билан бирга улкан марраларни ҳам қўлга киритди. Бунинг натижасида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг ўрни ва нуфузига эга бўлди. Аммо ушбу эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолмасдан, янги ютуқлар сари интилиш, мамлакатимизни янада ривожлантириш, унинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, фуқароларимизнинг тинч ва осуда фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида интилиб яшаш энг муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бу ҳақда қуйидагича фикр билдирган: «Бу йўлда биз дуч келишимиз мумкин бўлган шундай бир хавф борки, у ҳам бўлса, авваламбор, эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал воқеликдан узилиб қолиш хавфидир»¹.

Бугунги кунда Яқин шарқ мамлакатлари ёки қўшни Афғонистон, Сурия, Украина мамлакатларида содир бўлаётган қонли урушлар, қирғинбаротларни кўриб хулоса чиқарган ҳолда мана шу буюк заминимизни ҳар қандай ташқи кучлардан асрашга доимо тайёр туришимиз, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиб яшашимиз лозимлигини кўрсатиб турибди. Фуқароларимизни, айниқса ёшлар ва вояга етмаганларни турли ёт ғоялар, тубан «Оммавий маданият хуруж»лари ҳамда энг хавфли бўлган диний-экстремистик ғоялардан асраш ўта муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов 1993 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб диний экстремизм ва терроризм халқаро миқёсда ниҳоятда томир отиб бораётганлиги, унга қарши кескин кураш олиб бориш лозимлигини таъкидлаган эди.

¹ *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т., 2010. – Б. 56

Аммо, афсуски, жаҳон ҳамжамияти мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг БМТда сўзлаган нутқида (1993 й.), ЕХХТнинг Истамбул саммитида (1999 й.)¹ ва Шанхай саммитида (2001й.) давлат раҳбарлари билан учрашувларида диний экстремизм оқибатида келиб чиқувчи терроризмнинг манбалари, базалари, курол-яроғ келтириш йўллари, таъминот усуллари, наркотиклар тарқатиш сўқмоқларидан махрум қилиш ва уларни бартараф этиш учун «Террорчиликка қарши кураш бўйича халқаро марказ» тузиш ҳақидаги амалий таклифларига ўз вақтида етарли эътибор бермади. Агар бундай марказ ўз вақтида ташкил этилиб, дунё ҳамжамияти бирлашиб, терроризмга қарши сиёсий, дипломатик, молиявий, иқтисодий, гуманитар, ғоявий, ҳарбий чораларни ва халқаро ҳуқуқ доирасидаги бошқа ҳар қандай тадбирларни амалга оширганларида эди, жаҳонда ва Ўзбекистонда рўй берган машъум фожиалар содир этилмаган бўларди.

Биз бугунги кунда мураккаб замонда яшамокдамиз. Сўнгги пайтларда бутун дунё мамлакатларини диний экстремизм ва терроризм ташвишга солиб келмокда. Дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган маҳаллий урушлар, ҳарбий қарама-қаршилик ва можаролар, террорчилик хуружлари халқаро хавфсизликка таҳдид солмокда².

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов «Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркобизнес каби бало-қазолар инсоният ҳаётига таҳдид солиб турган бир шароитда мен ўз уйимиз, ўз муқаддас юртимизни ўзимиз асрайлик, ўзимиз ҳимоя қилайлик, деган даъват ҳар бир юртдошимизни доимо ҳушёрлик ва огоҳликка чорлаб туришини истар эдим»³, деб терроризм ва экстремизмнинг ижтимоий хавфлилигини ва унга қарши барча кучларни бирлаштирган ҳолда курашиш лозимлигини кўрсатиб берган.

Шу боисдан «Терроризм ва экстремизмга қарши кураш тактика ва методикаси» курсини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Дар-

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз.– Т., 2000. – Б.83–86.

² Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг энг олий мақсадимиз. –Т., 2009. – Б. 66.

³ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмади. Т.13.– Т., 2005. – Б.448.

ҳақиқат, бугунги кунда терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларнинг янги турларининг пайдо бўлаётганлиги, глобаллашуви, трансмиллий аҳамиятга эгалиги, Ўзбекистонга қўшни чегарадош бўлган, жумладан Афғонистон, Тожикистон каби бир қанча давлатларда террористик ва экстремистик ташкилотларнинг очик ойдин фаолият юритаётганлиги, терроризм ва экстремизмнинг асосий молиявий манбаи бўлган наркобизнеснинг кучайиб бораётганлиги унинг долзарблигини оширади ҳамда ички ишлар органларининг бўлажак кадрларини терроризм ва экстремизмга қарши курашиш ва унинг профилактикаси бўйича махсус билимларни талаб этади.

Ушбу маърузалар курсида терроризм ва экстремизмнинг ҳуқуқий асослари, унинг сабаб ва шароитлари ҳамда бартараф этиш чоралари, терроризм ва экстремизмга қарши курашнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг чора-тадбирлари, терроризм ва экстремизмнинг профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматлари, шунингдек профилактика инспекторларининг асосий вазифалари, давлат органлари, соҳавий хизматлар ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорлиги каби масалалар ёритилган.

Маърузалар курси Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти» мутахассислиги бўйича таълим олаётган тингловчиларда келгусидаги амалий фаолиятларида терроризм ва экстремизмга қарши кураш, унинг профилактикаси бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ҳамкорликдаги ишларни ташкил этишга доир зарурий билим ва кўникмаларни шакллантирувчи асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

1-мавзу. ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФИ ВА БУГУНГИ ҲОЛАТИ

1-§.Терроризм ва диний экстремизмнинг ижтимоий хавфи.

2-§.Терроризм ва диний экстремизмнинг бугунги ҳолати.

1-§.Терроризм ва экстремизмнинг ижтимоий хавфи

Кишилиқ жамияти ривожининг ҳозирги босқичида терроризм, жумладан, диний-сиёсий моҳиятга эга экстремизм ва терроризмнинг глобаллашуви, уларнинг тобора халқаро миқёсдаги воқеликка айланиб бораётгани дунё ҳамжамиятининг мазкур муаммога бўлган эътиборини янада ошироқда.

Мазкур ижтимоий салбий иллатнинг моҳияти ва унинг сабаб ҳамда шароитларини ўрганишдан аввал унинг тушунчаси ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. «Терроризм» тушунчаси айрим илмий ва юридик адабиётларда қуйидагича таъриф берилган.

Терроризм – бу сиёсий рақибларни, муҳолифларни йўқотиш ёки қўрқитиш, аҳоли ўртасида ваҳима ва тартибсизликларни келтириб чиқариш мақсадидаги зўравонлик ҳаракатлари (таъқиб қилиш, бузиш, гаровга олиш, қотиллик, портлатиш ва бошқ.)¹.

Терроризм сиёсий мақсадда амалга ошириладиган, асосланган зўравонликдир², Терроризм – бу «қўрқитиш», мажбурлаш ёки чўчитиш воситасида сиёсий мақсадларга эришиш учун куч ишлатиш билан таҳдид солиш ёки уни ишга солиш».

Терроризм, террорчилик – зўрлик ва жаҳолат мафкураси, террор билан амалга ошириладиган сиёсий ҳаракат. Терроризм бир неча асрлар олдин шаклланган, географик жиҳатдан барча минтақа ва мамлакатларда учраши мумкин бўлган мураккаб феномендир³.

Таъкидлаш керакки, терроризмнинг ҳар қандай кўриниши, ўз олдида қандай мақсадни қўйган бўлмасин ва қандай ижтимоий-сиёсий муаммолар билан боғлиқ бўлмасин, унинг туб моҳияти буз-

¹ Ўзбек миллий энциклопедияси. Т.8. – Т., 2004. – Б.404.

² http://worldspol.socio.msu.ru/programmi/Mewdunarodnyj_terroriz1.doc

³ Фалсафа: Қомусий луғат. –Т., 2004. – Б.398.

ғунчилик ғоясига асосланиб, бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига олиб келади.

Юқорида келтирилган тушунчалар таҳлилидан кўриниб турибдики, мазкур ижтимоий-ҳуқуқий салбий ҳодиса жамиятда тинчлик ва осойишталикни издан чиқариш, одамларни кўрқитиш, даҳшатга солиш, куч ишлатиш, зўравонлик қилиш, одамларни қириб ташлаш, кўрқитиш орқали пул ундириш ва бошқа кўплаб мақсадларда содир этилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги 2000 йил 15 декабрь қонунида терроризмга қуйидагича таъриф берилган: «Терроризм» – сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини кўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар¹.

Бугунги кун барчадан ушбу салбий иллатларга қарши курашни талаб этиш билан бир қаторда огоҳликни ҳам тақозо этади. Зеро, жамиятда хавфсизликни таъминлаш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, барча мулк шакллари, давлат суверенитети ҳамда конституциявий тузумни ҳар қандай жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш уюшган жиноий тузилмаларнинг шаклланиш жараёни ва фаолияти устидан узлуксиз ва самарали ижтимоий-ҳуқуқий назоратни талаб қилади².

Терроризм ижтимоий-салбий ҳодиса сифатида жамият тинчлигининг бузилишига, нотинчликни келиб чиқишига, инсонларнинг бе-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – №1–2. – 15-м.

² *Исмаилов И.* Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш: Юрид. фан. д-ри. ... дис. Автореф. – Т., 2006. – Б.3.

вақт ўлимига, давлат ва ҳуқуқнинг ривожига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, терроризм ўта мураккаб жиной ҳодиса бўлганлиги сабаб, деярли барча давлатларнинг қонунлари билан ҳимояланган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилмоқда. Дарҳақиқат, бугунги кунда бирон-бир давлат йўқки диний экстремизм ёки терроризмнинг салбий офати ва унинг таъсиридан жабрланмаган бўлса. Ушбу иллатнинг таъсир даражаси сўнгги пайтларда тобора кучайиб бораётганлиги бевосита мазкур муаммонинг нақадар долзарб эканлигини кўрсатади.

Шу ўринда мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «... биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиб учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз» деган фикрини эслаш жоиз.

Диний экстремизм диний фундаментализмнинг бир кўринишидир, яъни диний фундаментализм ақидапарастликка кўр-кўрона ишонишга, эътиқодга асосланган далилсиз, исботсиз қоидага, ишонч билан айтилган фикрга ёки қаттиқ ишонилган мулоҳазага асосланади. Шу сабабли ақидапараст одамларга ақидаларга кўр-кўрона ишонувчи қабул қилинган қонун-қоида, фикр-мулоҳаза, ақидадир. Шунинг учун ҳам ақидапараст догмаларга, ақидаларга асосланган тафаккур, эскирган, қотиб қолган назарий қонун-қоидаларга танқидий кўз билан қарамай, кўр-кўрона ишонади ва унга амал қилади.

Диний фундаментализм-ақидапарастлик ақиданинг ўзгармаслигини ҳимоя қиладиган, ваҳий ва мўъжизаларнинг муқаддас китобларидаги баёнининг ҳарфий талқини тарафдори, уларнинг ҳар қандай мажозий талқинига муросасиз, сўзма-сўз талқинга асосланган эътиқодни ақлга таянган далиллардан устун қўядиган, муайян диний эътиқод шаклланишининг бошланғич даврида белгиланган барча йўл-йўриқларнинг қатъий ва оғишмай бажарилишини талаб қиладиган диний оқимларни ифодалашда қўлланиладиган истилоҳдир. Бундан келиб чиқадики, фундаментализмдан, экстремизм келиб чиқади.

«Экстремизм» лотинча *extremis* сўзидан олинган бўлиб, ашаддий, қатъий нуқтаи назар ва чора тарафдори, деган маънони билдиради¹. Шундан кўришиб турибдики, диний экстремизм ҳам ижтимоий ҳаётда

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М., 1981. –Б. 442.

юз бераётган жараёнлар таъсирида вужудга келади ва унинг илдишлари узок ўтмишга бориб тақалади.

Диний экстремизм ибораси шу кунларда тез-тез тилга олинадиган мавзулардан бирига айланди. Шундай экан, бу ҳодисаларнинг аниқ таърифи мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида лўнда қилиб ифода-ланган. Бу асарда Президент фанатизм, экстремизм, терроризм каби иллатларга таъриф бераркан, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларига алоҳида эътибор қаратган.

Бугунги кунда дунёнинг турли ҳудудларида, хусусан Яқин шарқ минтақасида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, зиддиятли тўқнашувларга теран қараш ҳиссини ошириш, ҳар қандай кўриниш-даги таҳдидларга қарши маънавий-маърифий ишларни замон талаб-лари асосида ташкил этиш, ёшларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишда кишилик жамияти олдида бир қатор комплекс вазифаларни ҳал этиш долзарб масала бўлиб турибди.

Терроризм ва диний экстремизмнинг ижтимоий хавфи яна бир хусусияти ҳеч қандай уруш бўлмаётган, тинчлик ҳукмронлик қилаётган, жамиятда демократик институтлар фаолият кўрсатаётган бир шароитда муқобил усулларни атайин инкор этган ҳолда, сиёсий масалаларни зўрлик йўли билан ҳал қилишга интилишда кўринади. Бундай сиёсий масалалар ўз навбатида ҳудудий, этник, диний ёки бошқа шаклу шамойил касб этиши мумкин. Маълумотларга кўра, 2000–2006 йиллар мобайнида дунёнинг 112 мамлакатида 14 минг 934 та террорчилик амалиёти содир этилган. Уларнинг мутлақ кўпчилиги Ер юзининг турли минтақаларида жойлашган, ўзига хос этник, диний ёки бошқа шаклдаги муаммолар мавжудлиги билан ажралиб турадиган Ироқ (4606), Иорданнинг ғарбий қирғоғи (1927), Колумбия (1135), Испания (732), Таиланд (619), Афғонистон (591), Ҳиндистон (509), Покистон (504), Туркия (477), Исроил (463), Франция (446), Непал (379), Россия (284), Греция (230), Филлипин (213), Индонезия (197), Шри-Ланка (131), Италия (125) ва Бангладеш (111) ҳудуд-ларида амалга оширилгани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради¹.

¹ <http://rambler.ru. Evropa. chu. by>.

Терроризм ва экстремизмнинг ижтимоий хавфини биз дунёда содир бўлаётган террорчилик ва кўпорувчилик ҳаракатларининг рақамларида ҳам кўришимиз мумкин, жумладан 2015 йилги «Глобал терроризм индекси» келтирган рейтинг маълумотларга кўра, 2014 йилда дунёнинг 93 мамлакатада террорчилик ҳаракатлари содир этилган бўлиб, бунинг натижасида 32659 нафар инсон қурбон бўлган. Таъкидлаш лозимки, қурбон бўлганларнинг 78 % бешта давлат, яъни Афғонистон, Ироқ, Нигерия, Покистон ва Сурия фуқаролари ҳисобланади. Терроризм 53 миллиард АҚШ доллари миқдоридан зарар кўрилган бўлса, дунё бўйича давлатлар бир йилда терроризмга қарши курашга 117 миллиард АҚШ доллари миқдоридан маблағ сарфланмоқда. 2014 йилда 2013 йилга нисбатан террорчилик ҳаракатлари сони 80 фоизга ортган ҳамда уларнинг натижасида қурбон бўлганларнинг сони 2000 йилга (3329 нафар) нисбатан 10 баробар (32 658 нафар)ни ташкил этган. Келтирилган статистик маълумотлардан кўриш мумкинки, бугунги кунда диний экстремизм ва терроризм, таъбир жоиз бўлса, давр «вабоси»га айланди десак, муболаға бўлмайди ва булар ўз навбатида терроризм ва экстремизмнинг ижтимоий хавфини ортиб бораётганидан далолатдир.

Шунингдек, терроризм ва экстремизмнинг авж олишига айрим омилларнинг ҳам таъсири мавжуд, *биринчидан*, наркотик воситалар ва психотроп моддалар савдоси ва контрабандасининг кучайиб бораётгани; *иккинчидан*, терроризмни молиявий маблағ билан таъминлайдиган гуруҳларнинг кўпайиб бораётгани; *учинчидан*, террорчи гуруҳларнинг жиноят содир этиш малакасининг йилдан йилга ошиб бораётгани; *тўртинчидан*, халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорликнинг кенгайиб бораётгани; *бешинчидан*, террорчи гуруҳлар ўзларининг хуфёна фаолиятини турли кўринишдаги ғоя ва мафқуралар билан содир этаётганлиги ва бошқалар.

Бугунги кунда террорчилик услублари анча кенгайганини таъкидлаш зарур. 1970 йилларда бирор шахс ёки сиёсий арбобга қарши уюштирилган террор амалиёти кўпроқ учраган бўлса, ҳозирда жамоат жойларида, самолёт, автобус, поездларда портлашларни содир этиш орқали кўплаб тасодифий кишиларнинг қурбон бўлишига олиб келадиган кўпорувчиликни амалга оширишга эътибор берилмоқда. Экспертларнинг фикрича, бундай ҳаракатлар биринчи навбатда нобуд бўлганлардан кўра, унинг гувоҳларига қаратилгандир.

Шу боис оммавий ахборот воситалари террорчиларнинг ўз мақсадларига эришишларида асосий қуролга айланиб бормоқда. Киднеппинг ёки гаровга олиш ҳам моҳиятан ўзгариб бормоқда. Авваллари гаровга олишдан мақсад пул ундириш бўлган бўлса, ҳозирда террорчилар асосан халқаро муносабатлар соҳасида ва мамлакатда беқарорликни келтириб чиқаришга мўлжаллаган сиёсий мақсадларига эришишни кўзлайдилар. Шу билан бирга, бу жараённинг ОАВ орқали кенг ёритилиши ва омма онгида хавотирли акс-садо беришига эришиш орқали гуруҳнинг жамият олдида танилиши ҳам ҳисобга олинади. Бундай ҳаракат замирида, аслида террорчиларнинг ожизлиги намоён бўлишини кўриш мумкин. Чунки жамиятда овоза бўлишга интилиш, одамларда қўрқув ҳиссини уйғотиш йўли билан ташкилот ўзининг бош мақсадига эришмоқчи бўлади. Шунинг учун ҳам, таъсир ўтказиш орқали хулқини моделлаштириш ва фаоллигини бошқариш мумкин бўлган руҳий ожиз ва қарашларида собитлик йўқ кимсалар ижрочи сифатида чиқадиладар.

Маълумки, бугунги кунда терроризм жинояти бутун жаҳон жамоатчилигини ташвишга солаётган ҳодисалардан бири ҳисобланмоқда. XXI аср – ахборот асри, глобаллашув даврида дунё мамлакатлари олдида турган асосий хавф – бу халқаро терроризмдир. Бугун биз жадал суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз¹.

Нега деганда ҳозирги пайтда ер юзининг қайси чеккасида қандай бир воқеа юз бермасин, одамзод бу ҳақда дунёнинг бошқа чеккасида зудлик билан хабар топиши ҳеч кимга сир эмас². Бугунги кунда инсоният жамияти дунёнинг кўпорувчилик, зўравонлик ва шунга ўхшаш турли хил таҳдидлар дунё ҳамжамиятига жуда катта хавф туғдирмоқда.

Терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш ушбу жиноятларга қарши самарали криминалогик чоратадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

¹ *Жўраев Н.* Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. – Т., 2000. – Б.18.

² *Каримов И.А.* Юксак маънавият–енгилмас куч. – Т., 2008. – Б.110.

Маълумки, террорчилар ер шарининг турли жойларида алоҳида-алоҳида, бир-биридан батамом ажралган ҳолда ҳаракат қилган бўлсалар, бугун улар ўз фаолиятини минтақавий, ҳатто умумсайёравий даражада мувофиқлаштиришга интиломқдалар, яъни бугун инсоният тинчлигига террорчилар мисолида халқаро миқёсда уюшган, керак бўлса бир ёки бир неча қудратли марказлар томонидан бошқарилаётган сиёсийлашган халқаро жинойй гуруҳлар таҳдид солмоқда¹.

Терроризмнинг келиб чиқиши учун нафақат объектив, балки муайян типдаги шахсларнинг, сиёсий зўравонлик ва мутаассиблик (фанатизм)нинг ўзига хос анъаналари асосида шаклланадиган муайян типдаги онгнинг пайдо бўлиши каби субъектив шарт-шароитлар ҳам керак. Бунда объектив шарт-шароитлар ҳал қилувчи, аммо ҳар доим ҳам етарли бўлмаган омилдир. Чунки «бу шарт-шароитлар кўпчилик мамлакатлар учун умумий бўлиши мумкин, «ўз-ўзидан юзага келадиган» сиёсий терроризм эса уларнинг айримларидагина келиб чиқади»².

Ўзбекистонда терроризмнинг сабаблари мажмуини уларни ташкил қилувчи детерминанталарнинг ўзаро боғлиқ гуруҳлари мажмуи сифатида қараб чиқиш лозим. Унга мамлакатимизда терроризмга жиддий таъсир кўрсатувчи диний ва бошқа шу турдаги хусусиятлар киради. Булар анча барқарор, ҳар ҳолда узоқ вақт оралиғида амал қилиб келаётган, одатда кам сонли ва амалда сунъий таъсир кўрсатиб бўлмайдиган фундаментал, муайян маънода «абадий» детерминанталар гуруҳи бўлиб, бир қатор аниқ криминоген омилларни қамраб олади. Бундай сабабларни белгиланган вақтда портлайдиган минага қиёслаш мумкин. Улар амалда мустақил мавжуд бўлади ва мамлакатда барқарор ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият бўлганида ушбу сабаблар яширин бўлади ҳамда тутаб ётган, аммо исталган вақтда ёнғин чиқариши мумкин бўлган ўчоқлар хусусиятига эга бўлади. Улар одатда қандай қулай шароитлар (сиёсий инқирозлар, иқтисодий ва ижтимоий ларзалар ва ш.к.), яъни иккинчи даражадаги детерминанталар юзага келганида пайдо бўлади.

Терроризмнинг бевосита детерминанталарини ташкил этувчи, «жорий», доимий равишда ўзгарувчи ва чамбарчас боғлиқ бўлган, сабаблардан келиб чиқадиган кўп сонли қуйидаги сабаблар мавжуд:

- 1) демографик муаммо;
- 2) қурол савдоси;

¹ Раджапова М. Диний экстремизм ва террорчилик. – Т., 2000. – Б. 27.

- 3) оммавий маданият;
- 4) миллатлараро муносабатлардаги кескинлик;
- 5) кўпгина масалаларнинг қонун даражасида тартибга солинмаганлиги ва бошқ.

Терроризм жинойтининг амалий ифодасини қурол-яроғнинг талон-торож қилиниши мисолида Андижон воқеаларида кўриш мумкин. Масалан, 2004 йил 13 майда Андижонда содир этилган террорчилик оқибатида 169 киши ҳалок бўлган, қуролли ҳужум давомида террорчилар 305 дона қурол-аслаҳани, шу жумладан 205 та автомат ва 100 та тўппонча, 231 та граната ва қуролларни қўлга киритган¹, шунингдек, улар жазони ижро этиш муассасаларидан қарийб 600 нафар маҳбусни чиқариб юборган².

Терроризмнинг ижтимоий ва сиёсий манбалари муайян яхлитликни ҳосил қилади ва бир-биридан ажралган ҳолда кўриб чиқилиши мумкин эмас. Улар жуда жўшқин бўлиб, у ёки бу жамият ҳаётида ривожланишнинг муайян босқичида кечадиган мураккаб жараёнлар билан боғлиқ³.

Илмий адабиётларда, айниқса Ғарб адабиётида терроризмнинг бошқа жуда хилма-хил изоҳлари ҳам мавжуд. Баъзи тадқиқотчилар Европа тажрибасига суяниб, терроризм сабаби сифатида чуқур шахсий, экзистенциал хусусиятга эга бўлган хоҳиш-истакларни ажратганлар: «Мослашувчанликдан ҳазар қилиш, ёлғизлик, зерикишдан қочишга, маънавий вакуумни индустриал-бюрократик цивилизациянинг шафқатсизлигини енгиласан интилиш. Экстремизм ёшларни «коллективистик» ва максималистик қарорлар, эга бўлинган идеал сароблари билан ўзига тортади».

Дунё бўйича терроризмнинг содир этилиш кўрсаткичи йилдан-йилга кўпайиши кузатилмоқда. Буни статистик маълумотларнинг таҳлили ҳам тасдиқламоқда. Масалан, мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, 1966 йилдан бошлаб жаҳон миқёсида террорчиларнинг фаолияти анча кучайган. Жумладан, дунё бўйича 1968 йилдан 1980 йилгача ўтган даврда 6700 га яқин, 1970–1978 йилларда 5534 та, 1981 йилда 2700 та, 1984 йилда 700 та, 1985 йилда 800 та,

¹ Халқ сўзи. – 2005. – 18 май.

² Халқ сўзи. – 2005. – 17 май.

³ *Убайдуллазода Н.Т.* Терроризмнинг олдини олишни ҳуқуқий ва ташкилий таъминлаш. –Т., 2012. –Б. 44.

1987 йилда 832 та, 1989 йилда 856 та террорчилик ҳаракати содир этилган¹. 1985–2006 йиллар оралиғида ер юзида 220дан ортиқ аёллар томонидан ўзини қурбон қилиш йўли билан террорчилик ҳаракатлари амалга оширилган. Ҳозирги вақтда дунёда 500 га яқин террорчилик ташкилотлари ва экстремистик йўналишдаги гуруҳлар мавжуд бўлиб, улар томонидан 2000 – 2011 йиллар давомида 10 000 га яқин террорчилик ҳаракати содир этилган. Бунинг натижасида 26 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган ва жароҳатланган².

Терроризм узоқ тарихга эга ҳодиса бўлиб, унинг илдизлари инсониятнинг қадимги тарихига бориб тақалади.

Терроризмнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардир:

1) террористик ҳаракатларни амалга оширишнинг муайян усуллари ва воситалари яратилди. Буларга портлатиш, қотиллик, ўт қўйиш, заҳарлаш, гаровга олиш каби усуллар ҳамда бомба, пичоқ, ханжар, пистолет, милтиқ, турли заҳарли ва порох каби воситалардан фойдаланиш киради;

2) терроризм ўз мафкурасини яратди, натижада терроризмнинг турли кўринишлари пайдо бўлди (сўл ва ўнг, ижтимоий ва сиёсий, миллатчилик, дунёқараш, инқилобий ва бошқалар);

3) терроризмнинг ижтимоийлашуви рўй берди, яъни у аҳолининг турли қатламлари орасида, маргиналлардан тортиб то аристократларгача ўз ижтимоий базасига эга бўлди;

4) терроризм институционаллашиб, ўзининг доимий ташкилотларини яратди ва халқаро характер касб эта бошлади;

5) терроризм оммавий характер касб эта бошлади, яъни у тобора кўпроқ қурбонлик талаб қилиб, қўрқув ва таҳликага сола бошлади;

6) террористлар одамларни саросимага ва даҳшатга солишнинг замонавий усуллари – газ, бактериологик воситалар масофавий ва космик алоқа, интернет ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишга ўтдилар. Гаровга олинганлар ҳаётига, ернинг сунъий йўлдошлари ва ҳатто ядровий арсеналларга нисбатан ҳам реал хавф пайдо бўлди.

¹ Салимов К. Н. Современные проблемы терроризма. – М., 2000. – С. 8.

² Францифиров Ю.В. Терроризм – преступление против общественной безопасности // История государства и права. – 2000. – № 1. – С. 42.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

а) ушбу жиноятлар натижасида ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида, яъни иқтисодий, маънавий, сиёсий, молиявий, бошқарув ва бошқа соҳалардаги муносабатларга салбий таъсир ўтказишида;

б) бундай тоифадаги жиноий фаолиятнинг уюшганлиги, алоҳида тайёргарлик асосида амалга оширилиши, бир вақтнинг ўзида бошқа кўпгина жиноятларнинг содир этилишида;

в) диний экстремизмнинг муросасизликка асосланганлиги миллатлар ўртасида можароларни, диний миллий камситишларни вужудга келтириши, барқарор ҳаётни издан чиқаришида;

г) жамиятда барқарорликни издан чиқаришга, жамият аъзоларига келтираётган жисмоний, моддий, маънавий, рухий зарар билан инсонларда ишончсизлик, ғулғула уйғотишда, мустаҳкам фикрга эга бўлмаган шахсларни жиноий хатти-ҳаракатларга чорлашда, унга қарши курашиш учун катта харажатлар сарф қилинишида;

д) турли хил кўринишдаги ва катта миқдорда зарарларнинг етказилишидадир.

Шундай қилиб, терроризмнинг олдини олиш, унинг криминологик жиҳатларини чуқур илмий жиҳатдан ўрганиш, терроризм жиноятларини содир этувчи шахсларнинг хусусиятларини тадқиқ этиш ҳамда ушбу салбий иллатга қарши кураш учун керакли махсус билимларга эга бўлиш талаб этилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, терроризм сабаблари жуда мураккаб ва кўп даражали хусусиятга эга. Терроризм жиноятларининг сабаб ва шароитларини ўрганиш орқали уларга қарши криминологик чора-тадбирларни белгилаш ва унга самарали профилактик чораларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

2-§. Терроризм ва диний экстремизмнинг бугунги ҳолати

Бугун у ёки бу динни экстремизмга, яъни дунё халқларини пароканда қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракат илдизини бирон-бир дунёвий дин тарихига, хусусан, ислом дини моҳияти, амалиёти билан боғлаш ғайри табиийликдан бошқа нарса эмас. Зеро, фалсафий асосга эга бўлмаган ҳар қандай фикр сиёсат майдонида

турли зиддиятларни келтириб чиқариши муқаррар эканлиги инсоният тарихида бир неча бор кузатилган.

Шунинг учун ислом экстремизмини диннинг илдизлари, унинг амалиёти билан эмас, аксинча, манфаатдор гуруҳларнинг ўз сиёсий мақсадларини амалга ошириш учун унинг мафкуравий жипслаштириш, йўналтириш қобилиятидан қулай вазиятда ғоявий қурол сифатида фойдаланишга бўлган интилишлари билан баҳолаш лозим. Турли сабабларга кўра, бугун XXI асрнинг илк даврларида дунёни ёхуд ҳар бир алоҳида олинган давлатлар ичида рўй бераётган улкан трансформация даврида, яъни эски мафкуралар бирин-кетин «тутдай тўкилиб», унинг ўрнида қийинчилик билан янгиси шаклланаётган бир пайтда, фақат диний таълимотларгина одамларни ўз атрофида жипслаштириш қобилиятига эга бўлганлигини экстремистлар жуда яхши билишган ва ундан ҳам ягона байроқ сифатида ва керак бўлса, ўзгаларга нисбатан адоват ҳиссини уйғотиш ва ниҳоят, вужудга келган ўзаро барқарорлик шароитида ҳокимиятни қўлга олиш йўлида кишиларни бирлаштириш мақсадларида ҳам фойдаланишган.

Жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга мос келмайдиган ва уларга зид бўлган барча ғоялар экстремистик ғоялар ҳисобланади. Диннинг қандайдир бир йўналишига асосланган ҳолда сиёсий мақсадни ўртага қўювчи ҳар қандай ҳаракат диний экстремизмга олиб келиши шубҳасиздир¹.

Демак, диний экстремизм ва терроризм ҳозирги кунда жаҳон жамоатчилигини ташвишга солаётган энг хавfli ҳодисалардан бири экан. Бугунги кунда диний экстремизм – бу ҳокимият учун кураш, миллатлараро жанжаллар ва турли сиёсий можароларни келтириб чиқаришда диндан сиёсий қурол сифатида фойдаланишда намоён бўлмоқда. Агар, биз юқорида айтиб ўтилган атамалардан яна бири «Фундаментализм» тушунчасини таҳлил қиладиган бўлсак, у ҳам ўзига хос хусусиятларига эгадир. «Фундаментализм» – ўта тор диний оқим ҳисобланади. Айниқса, диний-экстремистик оқимлар таъсирида гап кетганда «*Ислом фундаментализми*» деган атама кўпроқ ишлатилади. Диний фундаментализм оқими муайян диннинг бошланғич асосларини тарғиб қилиш билан шуғулланади.

¹ *Хусниддинов З.* Ислом ва диний экстремизм: ғоялар кураши // Халқ сўзи. – 1999. – 22 сент.

Ислом фундаментализми тарафдорлари ўз мақсадларини ҳар қандай кўринишдаги зўрлик ишлатиш, яъни террористик (куролли кураш) йўллар билан ҳокимиятни ағдариб ташлашни тарғиб қиладилар. Уларнинг жамият учун ўта хавфлилиги шундаки, улар нафақат ғояларини тарғиб қилиш балки ниятларини амалга ошириш учун ғоят қатъиятлилик билан, зўрлик ишлатишнинг ҳар қандай кўринишидан фойдаланган ҳолда ҳаракат қиладилар. Бу йўлда ҳар қандай ўта оғир жиноятлардан – одам ўлдириш, одамлар орасида қирғин солиш, турли ваҳималар тарқатиш, куролли ҳужумлар уюштириш, фитна ташкил қилиш, босқинчилик, кўпорувчилик, террористик каби ҳаракатлардан фойдаланадилар. Алоҳида мавжуд тузумдан норозилик, ўрнатилган конституциявий тузумга бўйсунмаслик каби кайфиятларни кўзғатишга ҳаракат қиладилар. Натижада, бутун жамият тизимини издан чиқариш ва шундан фойдаланиб ҳокимиятни қўлга олишни мақсад қиладилар.

Фундаменталистик, сепаратистик ва экстремистик диний оқимларнинг мақсади бита, яъни сиёсий ҳокимиятни ҳар қандай йўл билан қўлга олиш ва ўша ҳудудда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, юқорида айтилган турли диний-экстремистик оқимлар диний-сиёсий мақсадларини амалга оширишда диндан фойдаланмоқдалар. Улар аҳолисининг асосий қисми мусулмон динига эътиқод қиладиган давлатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам ўзларининг фундаменталистик, сепаратистик, экстремистик ғояларини исломий қоидалар сифатида тарғибот қилмоқчи бўладилар. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов Туркистон пресс ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоб берар экан, шундай дейди: «Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлимизни йўқотамиз, шу боис уни ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди. Мен Ўзбекистон раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар муқаддас Ислом динимизни, ота-боболаримиз эътиқодини, мусулмон фуқароларимизни таҳқирлашга, жамиятимиз ҳаётига хавф туғдиришига ҳеч қачон йўл қўймайман»¹.

¹ Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т., 1999. – Б. 3,12–13.

Диний-экстремистик ва сепаратистик ҳамда фундаменталистик ташкилотлар, юқорида таъкидланганидек, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, давлатнинг хавфсизлигига, суверенитети, конституциявий тузумига, ҳудудий дахлсизлиги ва иқтисодиётига, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига тажовуз қиладиган ҳаракатлар бўлганлиги учун мамлакатимиз ҳудудида уларнинг фаолият олиб бориши тақиқланган.

Бугунги кунда дунёдаги ўнлаб мамлакатлар диний экстремизм ва терроризм офатидан азоб чекмоқдалар. Ҳиндистон, Туркия, Исроил, Миср ва бир қатор Европа мамлакатларида ҳам бу мавзу ниҳоятда долзарбдир. Айрим давлатларнинг белгилаган чора-тадбирлари, саъй-ҳаракатлари, афсуски, кўнгилдагидек самара бермаяпти. Чунки, терроризм бугунги кунда халқаро миқёсдаги муаммодир. Қўпурувчилик ҳаракатларини бошқарадиган халқаро марказлар вужудга келди. АҚШдаги воқеалар мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг халқаро терроризмга қарши курашда кучларни бирлаштириш, террорчиларни молиявий жиҳатдан таъминлаб турган халқаро марказларни илдизи билан йўқотиш зарурлиги ҳақидаги даъватлари нақадар долзарблигини яна бир бор намоёниш этди.

Ўзбекистон экстремизм ва терроризмнинг нима эканлигини яхши билади. Шу сабабли, у Марказий Осиёда терроризмга қарши курашда мустаҳкам қалқон бўлиб турибди. 1999 ва 2000 йил кузида Қирғизистон ва мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида рўй берган террорчилик ҳужуми ўз вақтида бартараф этилди. Республикамиз чегараларини мустаҳкамлаш, мудофаа қудратини юксалтириш, айти пайтда, аҳолининг маърифий савияси ва ҳушёрлигини ошириш борасида қилинган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Сурия ва Ироқда содир бўлаётган воқеаларни келтириб ўтиш мумкин. Ушбу давлатларнинг бир қисмини эгаллаб олган ва ўзларини «Ислом давлати» (аввалроқ Ислом шом давлати деб ном олган) деб ваҳшийликлар содир этаётган «Халифалик давлат»ни кўрсатиш мумкин. Таъкидлаш лозимки, 2011 йилдан то ҳозирга қадар қонли можаролар кечаётган Суриянинг ўзида 240 минга яқин киши ҳалок бўлди. Ҳар ойда Ироқ ва Сурияда 5 мингга яқин киши нобуд бўлмоқда ва уларнинг аксариятини қариялар, ёш болалар ва аёллар яъни беғуноҳ инсонлар ташкил этмоқда. Бундай хунрезликлар «Ислом дини»

ниқоби остида содир этилиб, бутун дунё аҳлига «исломдан кўрқиш» каби ҳиссиётларни пайдо бўлишига сабабчи бўлмоқда.

Бу йўналишда «ижтимоий хавфлилик» категориясидан алоҳида шахс, гуруҳ, уюшган гуруҳ, халқаро жиной уюшма томонидан жиноят содир этиш эҳтимолини башорат қилиш, шахс жиной хислатларининг ривожланиб боришини олдиндан кўра билиш учун фойдаланилади. Бу эса, ўз навбатида, жиноятчиликка, шу жумладан, диний экстремизм билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган жиноятларга қарши кураш тактикасини белгилашга ёрдам беради.

Диннинг сиёсийлашуви инсоният ҳаёти учун ҳар доим хавф солиб келган ва яқин келажакда ҳам шундай бўлиб қолиши мумкин. Замон нафаси ва манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб шуни айтиш лозимки, диний экстремизм умуман инсониятга, қолаверса, ҳар бир инсонга, унинг ҳаётининг фаолиятига ҳеч қачон бугунгидек сезиларли хавф туғдирмаган. Ҳолбуки, унинг замон билан муайян боғлиқлиги ёхуд XX аср охирига келиб диний экстремизм инсоният учун мисли кўрилмаган хавфга айланганлиги тўғрисида сўз юритар эканмиз, эътиборни охириги босқичнинг яна бир ўзига хос муаммосига қаратиш мақсадга мувофиқдир. Исломдан диний экстремизмни, диний таълимотдан ақидапарастлик, радикал мазҳабпарастликни аниқ ажратган ҳолда шуни таъкидлаш зарурки, диний экстремизмнинг хуружи, одатда дунёвий ҳокимиятнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларида муваффақиятли фаолият кўрсатиш қобилияти ошган ва унинг олиб бораётган ижтимоий амалиёти аҳолининг аксарият қисми томонидан қизгин маъқулланаётган пайтига тўғри келади. Кейинги, нисбатан қисқа давр ичида ўтган вақт сиёсий тажрибаси шуни кўрсатадики, диний экстремизмнинг хуружи ҳар доим дунёвий ҳокимият органлари томонидан муваффақиятли ички ва ташқи сиёсат олиб борилган даврига тўғри келади.

Диний экстремизмнинг дунёвий давлат муваффақиятларига хуружининг ошиб бориши ҳолати Туркия, Россия, Шимолий Ирландия, Япония давлатлари мисолларида ҳам келтириш мумкин. Хусусан, Россия жамияти барқарорлигига раҳна солишга, вазиятни янада кескинлаштиришга интилаётган турли диний секталар фаолияти фикримизнинг далилидир. Россиядаги диний экстремизмнинг шакли бошқачароқ бўлгани билан, аслида моҳиятига кўра бошқа минтақалардаги ҳодисалардан фарқ қилмайди. Унинг негизида ҳам жамият-

нинг туб асосларига зарба бериш ва ҳукмронлик қилиш ётади. Аум серике сектаси террорчиларнинг жаҳоннинг энг тараққий қилган мамлакати бўлган Япония жамиятини ларзага солганлиги ҳали одамлар хотирасидан ўчгани йўқ. Шимолий Ирландияда мана бир неча йилдан бери юз бериб келаётган католиклар билан протестантлар ўртасидаги кескин кураш, ундаги шафқатсиз террорлар бу мамлакат барқарорлигига қаттиқ раҳна солмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, демак, диний экстремизм барча дин вакиллари ичида мавжуд экан, ҳўш, нима учун янги аср бўсағасига келиб, дунёвий давлат тараққиёти, унинг турли соҳаларида кўзга кўринарли ютуқларни қўлга киритиши ўзига нисбатан диний экстремизм таҳдидларини кучайтирмоқда? Агар масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, бунинг асосида кўпгина сабаблар ётганини кўрамиз. Бу ўринда, авваламбор, диний ақидапарастликнинг дунёвий давлат билан маърифий муомалага ва мусобақа қилишга тайёр эмаслиги ҳолати ётади.

Мустақиллик йилларида ҳам маънан, ҳам руҳан ўсган буюк келажагимиз орзуси билан яшаётган халқимиз ақидапарастларнинг турли сафсаталарига учмадилар. Уларнинг бузук ниятларини тушуниб етдилар. Халқ ичидан давлатимизга қарши ҳеч қандай мадад ололмаган экстремистлар кейин янада пасткашлик, террор, қўпоровчилик йўлига ўтишга уриниб кўрдилар. Бу борада ҳам кўзланган мақсадларига эриша олмадилар. Пойтахтимизда рўй берган 16 февраль воқеалари агрессив ақидапарастларга нисбатан халқимизнинг нафратини янада ошириб юборди. Чунки, 1999 йил 16 феврал куни содир этилган Тошкент шаҳридаги террорчилик ҳаракати туфайли 16 нафар бегуноҳ фуқаро ҳалок бўлган, 128 нафар киши турли даражада тан жароҳатлари олган.

Шунинг учун ҳам, доимо ҳушёрлик, огоҳ бўлишлик жамиятимизнинг ҳар бир ватанпарвар фуқароси учун буюк бир ички даъватга айланмоғи керак. Мамлакатимиз хавфсизлиги, эришилган барқарорликнинг, миллатлараро ҳамжиҳатликни сақлаш борасидаги масъулиятини жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси онгли равишда ўз зиммасига олиши керак. Чунки жамиятимиз тинчлигидан фақат ва фақат ўзимиз манфаатдормиз. Замонамиз тажрибаси шуни кўрсатадики, назарий жиҳатдан, дунёвий давлат ва унинг сиёсати учун таҳдид ҳозирча сақланиб қолмоқда. Бу ўринда гап ўз вақтида унинг олдини олиш, бартараф этишга қодир бўлган чора-тадбирлар тизимининг ишлаб

чиқилиши ва лозим бўлганда зудлик билан уларнинг сафарбар қилиш омиллари тўғрисида боради.

Бугунги кунда инсоният учун асосий хавф туғдираётган диний экстремизм ва унинг билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишни самарали ташкил этиш, бевосита ушбу тоифага кирувчи жиноятларнинг жинойий ҳуқуқий ва криминологик хусусиятларини ўрганишни тақозо этади.

2001 йил 1 март куни АҚШ Давлат департаменти халқаро терроризмга бағишланган учинчи маърузасини тақдим этди. Ундаги статистик маълумотларга қараганда, 2000 йилда бутун дунёда 423 марта террорчилик ҳаракати содир этилган. Бу 1999 йилдагидан 8 фоиз кўп демакдир. Ундан жабр кўрганлар сони ҳам ошган: 405 киши ҳалок бўлиб, 791 киши яраланган. Америкаликлар нуқтаи назаридан қуйидаги террорчилик ташкилотлари хавфли саналади:

1. «Абу-Нидол ташкилоти» (раҳбари вафотидан сўнг бу ташкилот деярли фаолият юритмаяпти);
2. «Абу-Сайёф гуруҳи» (Яқин Шарқ);
3. «Қуролланган ислом гуруҳи» (Жазоир);
4. «Ал-Қоида»;
5. «Ал-Жиход» (Миср);
6. «Жамоа ул-Исломи» (Миср);
7. «Ҳаракат ал-Мужоҳидин» (Кашмир);
8. ХАМАС (Яқин Шарқ);
9. «Ҳизболлоҳ» (Яқин Шарқ);
10. «Туркистон ислом партияси» (Марказий Осиё);
11. «Фаластин ислом жиҳоди»;
12. «Фаластин озодлиги fronti»;
13. «Фаластин озодлиги халқ fronti»;
14. «Фаластин озодлиги халқ fronti – Умумий кўмондонлик»;
15. «Аум Синрикё» (Япония, унинг раҳбари ҳибсга олинган, ташкилотнинг фаоллиги пасайди);
16. «Баск озодлик ҳаракати» – «ЭТА» (Испания);
17. «Ҳақиқий ИРА» (Ирландия);
18. «Кахане Хай» (Исроил);
19. «Курдистон ишчилар партияси» (Туркия);
20. «Инқилобий халқ озодлиги» (Туркия);
21. «Инқилобий халқ кураши» – «ЕЛА» (Греция);

22. «17 ноябрь Инқилобий ташкилоти» (Греция);
23. «Тамил Иламани озод қилувчи йўлбарслар» (Шри-Ланка);
24. «Мужоҳиддини Халд» (Эрон);
25. «Миллий озодлик Армияси» (Венесуэла);
26. «Колумбия Инқилобий Қуролли кучлари» – «FARC» (Колумбия);
27. «Колумбия ўзини ўзи мудофаа қилиш бирлашган кучлари» – «AUG» (Колумбия);
28. «Ойдин йўл» – «Sendero» (Перу).

Шуни қайд этиш керакки, дунёда 500 га яқин террорчилик ташкилотлари фаолият кўрсатади. АҚШ биринчи галда ўз миллий манфаатларига хавф солувчи ташкилотларга эътибор қаратган¹.

Сўнгги пайтларда Россия Федерацияси томонидан ҳам қуйидаги террорчилик ташкилотлари рўйхати тузилиб, уларнинг фаолияти тақиқланди, жумладан:

1. «Кавказ мужоҳидлари бирлашган кучлари олий ҳарбий мажлиси» (Чеченистон – раҳбари Басаев);
2. «Ичкерия ва Доғистон халқлари конгресси» (Чеченистон – раҳбарлари Басаев, Удугов);
3. «База» – («Ал Қоида»);
4. «Абсат Ал-Ансор» (Ливан);
5. «Муқаддас уруш» («Ал-Жиҳод», Миср);
6. «Ислом гуруҳи» («Жамоа ул-Исломия», Миср);
7. «Мусулмон биродарлар» («Ал-Ихвон ал-Муслимун»);
8. «Ислом озодлиги партияси» («Ҳизбут-тахрир ал-Исломи»);
9. «Лашкари – Тойба» (Покистон);
10. «Ислом гуруҳи» («Жамоати Исломи», Покистон);
11. «Толибон ҳаракати» (Афғонистон);
12. «Туркистон ислом партияси» (собик Ўзбекистон Ислом ҳаракати);
13. «Ижтимоий ислоҳотлар жамияти» («Жамият ал-Ислоҳ ал-Ижтимоий», Қувайт);
14. «Ислом меросини тиклаш жамияти» («Жамият Ихъё ат-Туроз ал-Исломи» - Қувайт);
15. «Икки муқаддас уй» («Ал-Харамайн», Саудия Арабистони).

¹ Террорчилик ташкилотлари (улар ҳақида қисқача маълумотлар) // Постда. – 2004. – 15 апр.

«Хизбут-тахрир ал-Исломиё» («Ислом озодлиги партияси»)нинг Москвадаги бўлинмасини Россия Федерацияси ИИБ ва Федерал хавфсизлик хизмати (ФХХ) ҳамкорликда зарарсизлантирди. Бу партия ўз таъсирини Россия ҳудудида ёйишга интиланган. Улар дастлаб Ўзбекистонда, унга қўшни давлатларда шариат бошқарувини жорий этиш, кейинроқ бу тартибни Россиянинг мусулмонлар кўпчилигини ташкил этадиган ҳудудларига ёйишни режалаштирган. Россия ФХХ жамоатчилиги билан алоқа қилиш маркази раҳбарининг айтишича, «Ислом озодлиги партияси» (ИОП) тузилмалари мамлакатнинг катта қисмига тарқалган. Унинг таъкидлашича, бу гуруҳ аъзолари ноқонуний қуролли тузилмалар учун одам ёллаш, уларни моддий таъминлаш билан шуғулланишган. Бунда савдодан тушган маблағлардан ҳам фойдаланилган. Россия пойтахтида мазкур партиянинг 120 аъзоси қўлга олинди. Улар асосан Ўрта Осиёликлар эди. Қурол олиб юргани учун 2 кишига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Ушланганлар орасида қирғизистонлик Алишер Мусаев, тожикистонлик Ақром Жалоловлар бор эди. Мусаевнинг автомобилидан 100 г.га яқин портловчи модда, 2 та РГД-5 қўл гранатаси, 1 дона Ф-1 гранатаси, шунингдек, 15 та тарғибот варақаси топилган. Жалоловнинг ёнидан эса 400 г. га яқин тротил ва 2 та детонатор олинган¹. 2002 йил 29 апрелда Бокуда «Хизбут-тахрир ал-Исломиё»нинг маҳаллий шохобчаси аъзоси бўлган озарбайжонлик уч фуқаро қўлга олинди. Улар Озарбайжонда мавжуд тузумни ўзгартириб, ислом давлатини тузишга уринишгани учун 7 йилга озодликдан маҳрум этилишди. 2001 йил ёзида мазкур партиянинг уч фаол аъзоси бўлган Озарбайжон фуқаролари Яшар Мамедов, Эльбрус Аллахвердиев ва Фирутдин Набиевлар қўлга олиниб, 6 йилга қамалган эди.

2003 йилнинг биринчи ярмида Қозоғистонда ҳам бир қанча исломий экстремистик ташкилотлар аниқланди. Жумладан, Алматида «Шарқий Туркистон ислом партияси»нинг яширин шохобчаси фош этилди. Ўша йил май ойида қўлга олинган мазкур ташкилотнинг уч аъзосидан қуроллар, ўқ-дори ва қўлбола портловчи мосламалар олинди. Уларнинг Афғонистон, Эрон, Қирғизистон ва Ўзбекистондаги ҳаммаслаклари билан алоқалари аниқланди².

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда диний-экстремистик гуруҳлар Баҳрайн, Миср, Иордания, Яман, Қатар, Қувайт, Ливан, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон, Саудия Арабистони, Судан, Сурия, Туркия, Буюк Британия, Дания, Швейцария, АҚШ, Франция ва Германия каби мамлакатларда фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда «Мусулмон биродарлар» 28 кишидан иборат қўмита томонидан бошқарилиб, унинг энг қуйи бўғинини террорчилик амалиёти, тарғибот-ташвиқот ишлари, молиявий, моддий-техник таъминот каби соҳаларга ихтисослашган, «амир» етакчилигидаги 20 га яқин аъзони ўз ичига оладиган «жамоати исломия» гуруҳлари ташкил этади. Қўмита ушбу гуруҳларнинг фаолиятини «усар ал-исломия» («ислом оилалари») деб аталувчи ўрта поғона тизим орқали мувофиқлаштириб туради¹.

Ташкилот жангарилари махсус лагерларда террорчилик амалиётини тайёрлаш ва ўтказишда зарур бўлиши мумкин бўлган хуфя ишлаш асослари, автомашина ҳайдаш, топографик харита бўйича жой топиш, қуролдан фойдаланиш, қўл жанги ва қўпорувчиликни амалга ошириш бўйича машғулотларни ўтайдилар.

Бугунги кунда «биродарлар»нинг маҳаллий бўлимларидан ажралиб чиқиб, мустақил фаолият юритаётган бир қатор диний-экстремистик ва террорчи ташкилотлар мавжуд. Улар қаторида Мисрда фаолият юритаётган «Ал-жамоа ал-исломия», «ал-Жиход», «ат-Такфир вал-ҳижра», «Жундуллох», Жазоирдаги «Қуролланган ислом гуруҳи», «Ислом жиҳоди», Саудия Арабистонидаги «Жумаймана ал-Утейбий», кўпчилик давлатларда илдиз отишга ҳаракат қилаётган «Ҳизбут-тахрир ал-исломий» каби ташкилотларни кўрсатиш мумкин.

Терроризмнинг ядровий, хайджекинг, скайджекинг, кибертерроризм, биотерроризм, инфотерроризм каби турли кўринишларида жаҳоннинг у ёки бу чеккасида қўпорувчилик ҳаракатларини олиб бораётганига гувоҳ бўлмоқда². Биз ҳар куни оммавий ахборот воситалари орқали дунёнинг қайсидир чеккасида қўпорувчилик ёки зўравонлик ҳаракатлари содир этилганининг гувоҳи бўламиз-у, лекин бунга бефарқ қараймиз. Бугунги кузатишларга кўра халқаро муноса-

¹ Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. – Т., 2000. – Б.18.

² Сафарова Н. Терроризм: манбалар, мақсади ва глобаллашув жараёни. – Т., 2006. –Б. 34.

батлар муаммосининг қўйилиши, амалиёти, амалга оширилиши ҳамда маърифий халқаро сиёсатдан кутилаётган самаралар билан айрим давлатларнинг хатти-ҳаракати, хулқ-атвори ўртасида улкан жарлик вужудга келаётгани кўзга ташланмоқда. Дунё ҳамжамияти бундай келишмовчиликларнинг олдини олиш учун биргаликда террор деб аталмиш ёвузлик хуружига қарши курашсагина тинчлик ўрнатиш мумкин.

Бугунги кунга келиб дунё ҳамжамияти терроризмга қарши курашиш учун бир қанча муҳим қадамларни қўймоғи лозим. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг асарларида диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик иллатлари ва уларнинг олдини олиш ҳақида ҳам бир қатор фикр ва қарашлар илгари сурилган. Хусусан, экстремизм, наркобизнес, уюшган жиноятчилик ва халқаро террорга қарши ялпи кураш олиб борилмас экан, мақсадга эришиб бўлмаслиги, айниқса, якка-ёлғиз, тарқоқ ҳолда ва ноизчил усуллар билан кураш олиб бориш истиқболсиз экани таъкидланади¹.

Мутахассислар таъкидлаганларидек, ҳозирги вақтда террорчилар террорчилик ҳаракатларининг шафқатсизроқ, усталик билан амалга ошириладиган усулларида фойдаланмоқдалар, террорчилар профессионал контртеррорчидек мерганлик билан ўқ отишга имкон берадиган замонавий техник воситалар билан қуролланмоқдалар.

Террорчилик ҳаракатлари одатда пухта тайёрланади, шу боис олдини олиш чораларини кўриш учун барча имкониятлар бордек туюлади. Бироқ террорчилар террорчилик ҳаракатини тайёрлаётганликларини пухта ниқоблайдилар, шу боис унинг олдини олиш жуда қийин бўлади.

Терроризмнинг асосида турли ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги зиддиятлар ётади. Зиддиятлар ҳам, ижтимоий гуруҳлар ҳам бири-биридан анча фарқ қилганлиги сабабли, терроризм турли шаклларда намоён бўлади ва кўп қиррали хусусиятга эга бўлади. Шу сабабдан муайян ҳаракатларнинг мазмуни, уларни амалга ошириш мақсадлари ва соҳалари, шунингдек, террорчилик хатти-ҳаракатларининг мотивларига кўра терроризмнинг турларини ажратиш зарур.

¹ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. –Т., 2001. – Б. 380.

Ҳозирги вақтда террорчилик фаолиятининг қуйидаги шакллари мавжуд:

– сиёсий мотивлар бўйича амалга ошириладиган терроризм, яъни ҳокимиятни йўқ қилиш мақсадида давлат ва жамоат арбобларини ёки ҳокимият вакилларини ўлдириш, портлашлар, ёнғинлар, шунингдек, одамлар ҳалок бўлиши хавфини туғдирувчи ҳаракатлар содир этиш ва бошқа оғир оқибатлар келтириб чиқарадиган ўзга ҳаракатлар. Шу жиҳатдан турли сиёсий кучларнинг ўта экстремистик доиралари катта хавф туғдиради;

– давлатга ва унинг вакилларига жиноят ишларини тергов қилишда ҳалақит бериш, жиноятга оид қаттиқ сиёсат олиб борилишига ва давом эттирилишига тўсқинлик қилишга қаратилган, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаол ходимларини йўқ қилиш, судьяларни енгил ҳукм чиқаришга мажбурлаш, терговга жиноий фаолиятни йўқ қилиш ва бартараф этишда ёрдам бериши мумкин бўлган жабрланувчилар, гувоҳлар ва журналистларни қўрқитиш ёки даҳшатга солиш мақсадига эга бўлган уюшган (ички ва халқаро) жиноий бирлашмаларнинг жиноий терроризми;

– ҳокимиятнинг федерал органлари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ҳамда сиёсий ёки иқтисодий мустақилликка эришиш мақсадига эга бўлган сепаратист кучларнинг миллий терроризми;

– одамларни гаровга олиш орқали самолётларни олиб қочадиган «ҳаво» терроризми. Ушбу турга кирадиган террорчилик ҳаракатлари турли мотивлар бўйича содир этилади: бошқа мамлакатларда сиёсий бошпана олиш учун, содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан қочиш мақсадида ҳамда ғаразли ёки бошқа шахсий ниятларда;

– уруш ёки халқаро зиддиятлар келтириб чиқариш мақсадида хорижий давлат вакилларини ўлдириш орқали амалга ошириладиган халқаро терроризм.

2-мавзу. ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМНИНГ САБАБ ВА ШАРОИТЛАРИ

1-§.Терроризм ва экстремизмни вужудга келишининг маънавий - ғоявий омиллари.

2-§.Терроризм ва экстремизмни вужудга келишининг иқтисодий - ижтимоий омиллари.

1-§.Терроризм ва экстремизмни вужудга келишининг маънавий - ғоявий омиллари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларида халқимиз руҳига мос келадиган имон-эътиқод, инсоф, диёнат, меҳр-оқибат, орномус, ифбат ва ҳаё каби эзгу фазилатлар ўз аксини топган. Бундан ташқари, асосий қомусда Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир инсоннинг манфаатлари, ҳуқуқ ва бурчлари қонун асосида белгилаб қўйилган. Асосий қонунимиз Ўзбекистон фуқаросини миллатидан қатъи назар тенг ҳуқуқли деб билади ҳамда уларнинг виждон эркинлигини, урф-одатлари ва миллий анъаналарининг ҳурмат қилинишини кафолатлайди.

Бош қомусимизнинг 18-моддасида барча фуқароларнинг динидан қатъи назар қонун олдида тенглиги, 31-моддасида ҳамма учун виждон эркинлигининг кафолатланганлиги, ҳар бир инсоннинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эгаллиги, диний қарашларнинг мажбуран сингдирилишига йўл қўйилмаслиги, 61-моддасида диний ташкилот ва бирлашмаларнинг давлатдан ажратилганлиги ҳамда қонун олдида тенглиги, шунингдек давлатнинг диний бирлашмалар фаолиятига аралашмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида «*Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдирилишига йўл қўйилмайди*» деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «*Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида*»ги 1998 йил 1 май қонунининг 3-моддасида «*Виждон эркинлиги ҳуқуқи*» белгиланган бўлиб, улар қуйидагилар:

– виждон эркинлиги – фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир;

– фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди;

– вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди;

– динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин;

– чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

Терроризм ва экстремизмнинг мазмун-моҳиятини – таҳлил этиш шуни кўрсатадики, ХХ асрнинг иккинчи ярмида халқаро миқёсда ўзини баралла намоён этаётган хатарли воқеликлардан бири, шубҳасиз, диний экстремизм ва ундан озиқланаётган ҳамда диний шиорлар билан ниқобланган терроризмдир. Бугунги кунга келиб, мазкур хатар шу қадар кенг кўлам ва хилма-хил кўринишлар касб этмоқдаки, одамлар, кўпинча, унга эътиборсиз ҳатто лоқайд бўлиб қолмоқдалар. Бошқача айтганда, «диний фундаментализм», «диний экстремизм» ва «халқаро терроризм» деган тушунчалар ҳаётий воқеликнинг ажралмас қисмидек қабул қилинмоқда. Бу ниҳоятда ачинарли ҳол, албатта¹.

Терроризмнинг энг асосий хусусиятларидан бири бундай ҳаракат тарафдорларининг «зўрлик – давлатни қулатувчи ва ҳокимиятга

¹ Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. – Т., 2000. – Б.18.

эришишни осонлаштирувчи парокандаликка олиб келувчи мақсад-дир», – деган ғояга асосланиб ҳаракат қилишлари яққол кўринади. Терроризмнинг яна бир хусусияти ҳеч қандай уруш бўлмаётган, тинчлик ҳукмронлик қилаётган, жамиятда демократик институтлар фаолият кўрсатаётган бир шароитда муқобил усулларини атайин инкор этган ҳолда, сиёсий масалаларни зўрлик билан ҳал қилишга интилишида кўринади.

«Экстремизм» сўзи «ақл бовар қилмас даражада» маъноларини англатади. Жамиятда қабул қилинган қадриятлар ва меъёрларга зид қарашларни илгари суриш, кескин қарашлар ва чораларга мойиллик экстремизмнинг асосий хусусияти ҳисобланади.

Турли экстремистик гуруҳларнинг ўзаро муносабатда доимий келишмовчилик ва жанжаллар, воқеликнинг кескин ўзгаришлар шароитида улар бўлиниб кетадиган гуруҳлар ўртасидаги «революциончиликда» мусобақалашув кузатилади. Америкалик социолог К.Кенидон «бундай гуруҳларда одатий шахсий низолар, лидерлик учун кураш, дид ва қарашлардаги фарқ сезиларли даражада ўсиб, баъзида, ҳатто ҳаёт-мамот масаласигача етиб боради», – деб ёзган эди. Экстремистик ва террористик ташкилотларга янги аъзоларнинг кўшилиши, кўпинча, динга киритиш, қабул қилишдек шаклу шамоил касб этади ҳамда бир қанча танлов ва синов босқичларини ўз ичига олади. Экстремистик ҳаракатларнинг энг қуйи табақаси кўпинча сиёсий тусга эга бўлмаган, майда зўрлик ва жинойтлар содир этадиган унсурлар билан боғлиқ бўлади. Бундай зўрликнинг сиёсийлаштирилиши терроризм томон қўйилган биринчи қадам бўлади. Ўз доирасига янги кимсаларни тортар экан, террорчилик гуруҳи ёки унинг раҳбарияти сўзсиз бўйсунини ва «иш»га мутасибона садоқатни талаб қилади. Кейинроқ эса ёлланувчилар «ҳамма нарсани билувчи» ва уларга йўлбошчилик қилувчи сарбонга дуч келадилар.

Замонавий терроризмнинг иккита алоҳида хатарли белгисини ажратиш кўрсатиш мумкин: бир томондан, у тобора шафқатсизроқ ғайриинсоний моҳият, иккинчи томондан, ақлга сиғдириш қийин жуғрофий кўламлар касб этиб бормоқда. АҚШ давлат департаменти-нинг маълумотларига кўра, ҳозирда дунёда ҳар йили 650 дан ортиқ бундай ҳодисалар содир этилмоқда. Бу дегани – ҳар куни дунёнинг у ёки бу бурчагида кимларнидир кўрқувга солиш орқали муайян мақсадларга эришишни кўзлаган, камида иккита қўпоровчилик

амалга оширилмоқда. Хатарли жиҳати шундаки, уларнинг сони мунтазам ошиб бормоқда. Масалан, 1992 йилда ана шундай нохуш воқеаларнинг умумий сони 362 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб 900 дан ошиб кетди¹.

Экстремистик қарашларни барча диний таълимотлар доирасида учратиш мумкин. Масалан, мутахассислар католик черковининг эркин фикр юритувчи, ҳукмрон феодал-католик черкови ақидаларини рад этувчи кишилар – папа ҳокимияти душманларини таъқиб қилиш учун XIII асрда тузилган ва минглаб одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган инквизиция сифатида баҳолайди.

Шу боис экстремизмни муайян дин билан боғлаш мутлақо асоссиздир. Хусусан, ислом дини, турмуш тарзи ва қадриятлар мажмуи сифатида ҳеч қачон экстремистик тузилмаларнинг гўёки, дин ва мусулмонлар жамоаси равнақи йўлида амалга ошираётган террорчилик хуружларининг асосий сабаби сифатида қаралиши мумкин эмас.

Ҳозирги даврда кўплаб экстремистик уюшмалар ва ақидапарастлар турли динлар, шу жумладан, христианлик, ислом, яҳудийлик динлари таълимотидан фойдаланмоқдалар. Шу билан биргаликда, диний риторика уларга кўзда тутилаётган аниқ шаклу шамойилини тақдим этмаган ҳолда (бу улар учун худди анархистлар каби унчалик аҳамиятга эга эмас) хаёлий – жамият ҳақидаги тасаввурлардан фойдаланиш имконини беради. Бунда энг муҳими тартибсизлик ва беқарорликни келтириб чиқаришдир. Унга эришиш эса, ўзига хос энг умумий мақсадни ташкил этади, дейиш мумкин.

Минтақамизда фаолият юритишга интиланган уюшмалар қаторида энг аввало «Ислом лашкарлари», «Адолат», «Таблиғчилар», «Акримийлик», «Ўзбекистон исломий ҳаракати» кабиларни айтиб ўтиш мумкин. Уларнинг баъзилари бутунлай йўқ қилинган бўлса, айримларининг қолдиқлари бугунги кунда бошқа ҳаракат, ташкилотлар таркибига сингиб кетганини таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов дунё хавфсизлигига таҳдид солиб турган «Халқаро терроризм» деб аталмиш жиноий ҳодиса тўғрисида тўхталиб: «ўзгалар

¹ *Ражабова М.А.* Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. д-ри. ... дис. – Т., 2002. –Б.152.

қонини тўқиш ҳисобига мўмай даромад олишни истовчилар батамом йўқ бўлиб кетадиган замонлар келишига ҳали борга ўхшайди. Бу тоифага кирувчи «бизнесчилар» учун қон ва нопок сиёсат қоришган пул дунёнинг турли бурчакларида халқаро қотилларни ёллаш ва синаб кўриш мумкин бўладиган можароларни рағбатлантириш борасида энг қулай восита эканлигини гапирмаса ҳам бўлади» – деб алоҳида таъкидлайди.¹

Терроризм ва диний экстремизмнинг маънавий - ғоявий омиллари. Глобаллашув жараёни туфайли дунёнинг мафкуравий манзараси тобора бойиб, ундаги мафкуравий жараёнлар тезлашиб бораётганлигини ва турли манфаатларга хизмат қилувчи мафкуралар ва қарашлар ўртасида кураш кетаётганлигини кузатиш мумкин. Глобаллашув шароитида дунё халқлари ўртасида алоқалар ривожланиб, иқтисодий ўсиш юз бермоқда, маданиятлар бойиб бориши билан бирга, алоҳида миллатлар маънавиятига таҳдидлар ҳам кўзга ташланмоқда.

Дунёнинг мафкуравий манзараси деб, жаҳоннинг мафкуравий полигонларида турли сиёсий манфаатларни ифодалаш йўлида ўзаро курашаётган ва таъсирлашаётган мафкураларга айтилади. Бугун мафкуравий полигонларда бунёдкор (хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорлик) ва бузғунчи (терроризм, диний экстремизм) мафкуралар ўртасида кураш кетмоқда.

Ислом дини ниқоби остида **халифаликни тиклашга интилаётган** ҳаракатларга ваҳҳобийлик, ҳизбут-таҳрир, акромийлик ғояларини киритиш мумкин².

Мамлакатимиздаги ғоявий майдонга ўрнашиб олишга ҳаракат қилган ваҳҳобийлик диний ниқобдаги зарарли оқим бўлиб, унга XVIII асрнинг 40-йилларида Арабистон ярим оролида Муҳаммад ибн Абдул-Ваҳҳоб (1703–1792 йилларда яшаган) томонидан асос солинган. Бу таълимот IX асрда вужудга келган ханбалийлик мазҳабининг асосчиси Аҳмад Абу Абдуллоҳ аш-Шайбоний (780–855 йилларда яшаган) таълимотининг айрим тажовузкор жиҳатларини, XIV асрдаги

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., 1997. – Б. 89.

² Убайдуллазода Н.Т. Терроризмнинг олдини олишни ҳуқуқий ва ташкилий таъминлаш. –Т., 2012. – Б. 44.

суриялик илоҳиётчи Т.О.Таймийнинг баъзи ғояларини ўз фаолияти учун асос қилиб олган.

Ваҳҳобийлик ислом ғояларига сиёсий тус бериб, дин номидан иш юритиб, гўёки исломни пайғамбар давридаги «асл ҳолатига қайтариш», яъни уни тозалаш, барча мусулмонларни исломнинг яшил байроғи остида бирлаштириш каби ғояларни илгари суради. Бу мафкура Оллоҳдан бошқа барча диний ва ҳаётий қадриятларни инкор қилади. У Қуръони Каримнинг муқаддаслигини эътироф этса-да, унинг тафсирини инобатга олмаслик, **чорёрларни, азиз–авлиёларни, буюк пиру валийларни тан олмаслик, муқаддас қадамжоларни бузиб ташлашни тарғиб** қилишда намоён бўлади. Ваҳҳобийлар ислом динидаги мазҳаблар – ҳанафийлик, моликийлик, шофийлик, жаъфарийлик вакиллари кифирлар деб атайдилар.

Ҳизбут-тахрир собиқ Иттифоқ коммунистик мафкураси таназзулга юз тута бошлаган даврлардан бошлаб, ғоявий бўшлиқ шароитида кишиларнинг онги ва дунёқарашига мазкур оқим ҳам ўз мафкураси орқали таъсир ўтказа бошлади. Ҳизбут-тахрирга ислом сиёсий партияси сифатида 1950–1953 йилларда Ливанда Тақийюддин Набҳоний асос солган. Айна вақтда бу ҳаракатга Абдулқадим Заллум раҳнамолик қилмоқда. Жами 30 дан зиёд ислом мамлакатларида норасмий фаолият юритаётган бу партиянинг **асосий ғоявий мақсади – халифаликни тиклаш, бугунги дунёвий давлатчилик асосларини йўқ қилиш, демократия принципларини рад этиш, қонун устуворлиги ўрнига шариат ақидаларини жорий этиш, сайлов тизимини инкор қилиш ва ҳоказо.**

Ҳизбут-тахрир диний оқими вакиллари асосий вазифаси жойларда, қолаверса, минтақада сиёсий, ғоявий, мафкуравий жихатдан ҳукмронликни ўрнатиш, ўзининг салбий таъсир доирасини кенгайтириш, иродаси бўш, мустақил фикрга эга бўлмаган одамларнинг қалби ва онгини забт этиш орқали бузғунчи мафкураларни сингдиришдан иборатдир. Ҳизбут-тахрирчилар энг аввало ҳали мустақил дунёқараш тўла шаклланмаган, содда ёшларга ислом дини, унинг ибодат амаллари, Қуръони Карим ва турли диний манбалардан сабоқ бериш баҳонасида ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қиладилар. Улар одатда 3–4 кун исломни ўргатиб, кейин асл мақсадга ўтадилар. Ҳизбут-тахрирчилар «Ислом низоми», «Ҳизбий уюшма», «Ҳизбут-тахрир тушунчалари», «Исломий давлат»,

«Халифалик», «Демократия – куфр низоми» каби ўқув дастурлари, китоб ва рисолалари, «Ал-Ваъй», «Онг» журнали ҳамда варақалар орқали ўз ғояларини ёшлар онгига сингдиришга ҳаракат қиладилар¹.

Акромийлик оқими дастлаб Андижон вилоятида, сўнгра Фарғона водийсида, кейинроқ мамлакатимизнинг бутун ҳудудида, кейинчалик барча мусулмон мамлакатларида халифаликни тиклаш ғоясини олға суради.

Бу оқим асосчиси Ақром Сотволдиевич Йўлдошев 1963 йилда Андижон шаҳрида туғилган. У Андижондаги «жиходчилар»нинг раҳнамози Абдували Мирзаевнинг шогирдларидан бири.

Акромийлар жамиятдаги барча ёмон иллатларни кишиларнинг маънавий қашшоқлиги, ахлоқий нопоқлиги ва жоҳиллигида эмас, балки нотўғри тузумда деб баҳолайдилар ва уни ўзгартиришни ўзлари учун бирламчи вазифа қилиб белгилайдилар, яъни **амалдаги конституциявий тузумни, халқ иродаси билан шаклланган давлатни ўзгартиришдир.**

Маълумки, ХХI аср ибтидосида жамият барқарорлиги, хавфсизлигига таҳдидлар мажмуасида мафкуравий таҳдиднинг таркибий қисмига айланган диний экстремизм бош омил ва кенг қўлланилаётган услуб сифатида ўзини намоён қилмоқда. Диний экстремизмнинг Афғонистондаги ўчоқлари асосан йўқ қилинган бўлса-да, хавф ҳамон сақланиб қолмоқда. Маълум доиралар бизга қўшни бўлган айрим давлатларда ўз «уяларини» яратишга уринмоқдалар.

Диний экстремизм минтақада яширин, аммо нисбатан пассив, кейинроқ очиқ-ошкора ташвиқот ва зўравонликка асосланган фаол ҳаракатлар, сўнг унга қарши қаратилган чора-тадбирлар натижасида яна ўта махфий ишлаш асносида тарғибот олиб бориш ва аниқ қўпоровчилик хуружларини содир этишдек сифатли босқичларни босиб ўтди, дейиш мумкин.

Диний-экстремистик оқимларнинг **ғаразли мақсадларга асосланган ғояларидан** шу нарса маълум бўладики, барча исломий диний-экстремистик ҳаракатлар ўз олдига тинч-осойишта давлатда мураккаб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий вазиятни инқирозга келтириш йўли билан ҳокимиятни эгаллаш ва ўз ҳокимиятини ўрнатиш мақсадини кўядиган ғоялардир. Аммо унга эришишда ҳар бир диний-экстремистик ҳаракат, ташкилотда ўзига

¹ Ўша жойда.

хос йўл ва услублардан фойдаланади. Хусусан, «Ҳизбут-тахрир» аввало, ислом ниқоби остида экстремистик ғоялар билан йўғрилган тушунтириш ишларини олиб боради. Бунда ҳизбчи ҳар бир шахснинг фикрлаш доирасига қараб ўз таълимотига даъват этади¹.

Айни пайтда, «Ҳизбут-тахрир» курашни уч босқичда олиб боришни кўзлайди. Улардан **биринчиси** – «тасқиф» тушунтириш ишлари босқичидир. Унда ҳали онги тўлиқ шаклланмаган, фикри заиф, таъсирга берилувчанг ёшларни ўз тузоғига илинтириш, ҳуқуқ-тартибот ва ҳокимият идораларидаги масъул шахсларни ўз тарафига оғдиришдек мақсадларга эришиш кўзланади.

Иккинчи – «тафаул» биргаликда ҳаракат қилиш босқичида фикрий кураш орқали «Умматнинг оёққа туриши, фикрий онглиги ва келажак масалаларини идрок қилишга эришиш» йўлида фикрий инқилобга етишиш назарда тутилади.

Учинчи – «инқилоб» тўнтариш босқичида эса, тарбияланган уммат орқали ҳокимиятни қўлга киритиш мўлжалланади.

Юқоридагилардан «Ҳизбут-тахрир» ҳам бошқа диний-экстремистик ташкилотлар каби мавжуд **конституциявий тузумни ағдариб ташлаб, ҳокимият тепасига келишга интилиш, ягона халифалик давлатини қуриш, унинг асосий ва сўнги мақсади экани очиқ-ойдин кўриниб турибди**. Шунинг учун ҳам, «Ҳизбут-тахрир»нинг расмий фаолият кўрсатиши деярли барча мусулмон мамлакатлари, жумладан, араб давлатларида расман тақиқланган. Бундай тузум бугун қандай натижаларга олиб келиши мумкинлигини «Толибон» ҳаракати Афғонистонда олиб борган сиёсати ва унинг оқибатлари ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Диний-экстремистик ташкилотларнинг ғоявий манбаларига минтақамизда фаолият юритишга интилган уюшмалар қаторида энг аввало «Ислом лашкарлари», «Адолат», «Таблиғчилар», «Акро-мийлик», «Ўзбекистон исломий ҳаракати» кабиларни айтиб ўтиш мумкин. Уларнинг баъзилари бутунлай йўқ қилинган бўлса, айрим-ларининг қолдиқлари бугунги кунда бошқа ҳаракат, ташкилотлар таркибига сингиб кетганини таъкидлаш зарур².

¹ *Хусниддинов З.* Ислом ва диний экстремизм: ғоялар кураши // Халқ сўзи. – 1999. – 22 сент.

² *Убайдуллазода Н.Т.* Терроризмнинг олдини олишни ҳуқуқий ва ташкилий таъминлаш. –Т., 2012. – Б.44.

Афсуски, охирги пайтларда террористик хуружлар кўп ҳолларда ислом байроғи остида уюштирилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, кўпгина террористик гуруҳларнинг фаолияти учун айнан диний экстремизм ғоявий пойдевор вазифасини ўтамоқда. Уларнинг **ғоявий мақсади** – ўрта асрларга қайтиш, барча мусулмонларни бирлаштирувчи халифалик давлатини барпо этиш, жамиятда ислом шариати тартибларини ўрнатишдир. Уларнинг ғаразли ғояларида – **«Тинч шароитда бир кишини ўлдириш жангда юзта аскарни ўлдиришдан кўра самаралироқ»**.

Жиноий тузулмаларнинг мафкуравий пойдеворига эга экстремистик гуруҳлар билан онгли равишда бирлашади. Бундай бирлашишдан мақсад жиноий тузулмаларнинг хунрезликларга «ғоя учун кураш», қотилликларга «адолат учун кураш», кўпоровчиликларга «муқаддас уруш» ғоявий тусини берадилар.

«Мусулмон биродарлари» ҳеч қандай маъмурий-жуғрофий ҳудудни тан олмайдилар ва пировард мақсадда ер юзидаги барча мамлакатларда ягона мусулмонлар бирлиги ва уларнинг диний ва дунёвий ҳокимиятини ўзида мужассамлаштирган «халифа» раҳбарлигидаги ягона мусулмон давлати қуришни кўзлайдилар. Бу шартни бажармоқ, ниятга етмоқ учун ҳар қандай хунрезликка ва биродаркушликка фатво берилади.

Диний экстремизм намоён бўлишига кўра ҳудудий, минтақавий, халқаро шаклларга бўлинади. Бундай қарашлар жуда қадимий илдизларга эга бўлиб, ҳеч қачон чегара билмаган, миллат, ҳудудни тан олмаган, диний экстремизм барча динлар доирасида ривожланган. Диний экстремистлар қаерда ва қайси дин байроғи остида фаолият кўрсатмасин, асосий ғоявий мақсади **диний давлатни барпо қилиш** бўлиб, бу мақсадга ўзаро низолар, ихтилофлар, қуролли тўқнашувлар орқали, яъни қон тўкиш ва зўрлик билан эришишни кўзлайдилар.

Бугунги кунда терроризмнинг экстремистик гуруҳлар билан бирлашиш омиллари манфаатларнинг бирлигида намоён бўлаётганлигини қуйидагиларда кўриш мумкин:

– Давлат бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий тузум ва ички сиёсатни ўзгартиришга йўналтирилган сиёсий мақсадлар;

– ташкилот ва айрим шахсларнинг стратегик аҳамиятга эга мулкларни, корхоналар ва иншоотларни қўлга киритиш орқали иқтисодий изидан чиқаришга йўналтирилган иқтисодий манфаатлар;

– маълум миллат вакиллари ва миллий гуруҳларнинг бир ҳудудда яшайдиган бошқа миллат ва миллий гуруҳларга қаратилган этник – миллий зиддиятларни юзага келтириш;

– Давлат хизматчилари тартибсизлигини юзага келтиришга қаратилган ва жамиятнинг куч ишлатадиган тузулмаларини изидан чиқаришга йўналтирилган мақсадлар;

– айрим экстремистик гуруҳларнинг диний шиорлар остида ҳокимиятни эгаллаб олиш мақсадини кўзлаган диний терроризм;

– турли жинойтчилик элементларидан иборат босқинчи гуруҳларнинг ўғирлик, талончилик ва босқинчилик орқали ҳукуматни обрўсизлантириш, жамиятда қўрқув ва ишончсизлик муҳитини вужудга келтиришга йўналтирилган жиноий терроризм каби кўри-нишларда мақсадлар уйғунлиги кузатилади¹.

Диний-экстремистик руҳидаги террорчи ташкилотларнинг Ўзбекистондаги стратегик мақсадлари шариатга асосланган теократик давлат тузиш бўлиб, бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш назарда тутилади:

– аҳолини кенг кўламда исломийлаштириш;

– ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш;

– динлараро ва миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш;

– Хорижда фаолият юритаётган диний-экстремистик ташкилотлар билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш, улар имкониятидан гуруҳ жангариларини тайёрлашда ва фаолиятини моддий-техник таъминлашда фойдаланиш.

Диний-экстремистик ташкилотларнинг асосий фаолият усуллари қуйидагилардан иборат:

– диний-экстремистик руҳдаги, шу жумладан, «жиход», «шоҳидлик» ғоялари тарғиб қилинган варақа, адабиёт, видео ва аудио тасмаларини тарқатиш;

– яширин «хужраларда» ўқитилаётган радикал исломий тушунчаларни сингдириш;

– Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ҳолатни кескин қоралаш;

– расмий диний тузилмаларни обрўсизлантириш;

– яширин гуруҳлар тузиш ва унинг аъзоларини махсус тайёргарликдан ўтказиш;

¹ *Ражабова М.А.* Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. д-ри. ... дис. – Т., 2002. – Б.152.

- ўз тарафдорларини давлат структураларига киритишга уриниш;
- аёллардан иборат ячейкаларни кучайтириш;
- террор воситаларидан самарали фойдаланиш кабилар¹.

Юқоридагилардан маълумки, бу каби диний-экстремистик ташкилотлар ўзларининг разил ҳаракатларини кенг қамровли, террористик характердаги барча тузулма ва ҳаракатлар билан ишончли ҳамкорликни, ўзаро манфаатдорликни ҳам моддий, ҳам молиявий бирликни юзага келтириш орқали белгиланган режалар асосида ва аниқ мақсадларни кўзлаб амалга оширмоқдалар.

Халқаро терроризм ва диний экстремизм келтириб чиқарадиган хавф-хатар, биринчидан, ақидапарастликни ёйиш орқали диндор мусулмонларнинг ислоҳотчи давлатга ишончини йўққа чиқаришда, эзгулик йўлидаги ўзгаришларнинг устувор шартлари бўлган барқарорликни, миллий, фуқаролараро ва миллатлараро тотувликни бузишга уринишда намоён бўлмоқда. Ақидапарастларнинг мақсади демократияни, дунёвий давлатни, кўп миллатли ва кўп динли жамиятни обрўсизлантиришдан иборат.

Экстремистик ва террористик ташкилотларнинг ягона бирлаштирувчи кучи ислом цивилизацияси билан исломий бўлмаган цивилизация ўртасида ялпи қарама-қаршиликни шакллантиришда намоён бўлмоқда.

Бузғунчи дунёқарашнинг туб негизида билимсизлик, яъни ғоясизлик ётади. **Ғоясизлик** – инсонлар, ижтимоий гуруҳлар тафаккури ва онгида муайян билимларга асосланган фикрларнинг йўқлиги. Ғоясизлик одатда ҳали ўзлигини англаб етмаган, ўз манфаат ва имкониятларини ифода эта олмайдиган, мақсад-муддаолари ва ҳаётий қадриятларни англаб етмаган кишиларда учрайди. Маънавияти тубан, имон-эътиқоди суст, мафкураси бузуқ кимсаларни юзага келтиради. Ўз ўтмиши ва насл-насабини билмаслик, тарихий хотирани унутиш ҳам ғоясизликнинг бир кўринишидир.

Ғоявий бўшлиқ ҳосил бўлишининг сабабларидан бири жамиятда сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий тарбиянинг етарли эмаслиги, мафкуравий жараёнларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигидадир. Ғоявий бўшлиқ ҳосил бўлган жойда, албатта, халқ манфаат ва қизи-

¹ *Хусниддин* З. Ислом ва диний экстремизм: ғоялар кураши // Халқ сўзи. – 1999. – 22 сент.

қишларига бегона бўлган турли хил ғаразли мафкуралар ўз таъсирини ўткази бошлайди. Жамиятда халқни мафкуравий масалаларда уюштирмаган, унинг маънавияти ва маърифати, ахлоқига етарли эътибор бермаган, таълим-тарбияни ўз ҳолига ташлаб қўйган давлат ғоявий заифликка йўл қўяди.

Ғоявий заифлик – Халқ оммасининг туб манфаатларини ва кўнглидаги орзу-интилишларини ифода этадиган, уни тараққиёт сари, улкан мақсадлар йўлида жипслаштирадиган ҳаққоний ва жозибали ғоянинг, мафкуранинг йўқлиги, ишлаб чиқилмаганлиги натижасида ҳосил бўлади. У кўп ҳолларда маънавий беқарорлик ва парокандаликка олиб келади. Жамиятда мафкуравий жиҳатдан етарли билим, малака, кўникмаларга эга бўлмаган инсонлар ғоявий саводсизликка учрайди¹.

Ғоявий саводсиз инсонлар мустақил фикр, мустаҳкам ирода, ўз дунёқарашига эга бўлмайди, замонавий фан-техника, инфор­мацион технологиялар, комиллик фази­латларидан йироқлашиб борадилар, жамиятда ўз ўрнига, аниқ мақсадларига эга бўлмайдилар. Натижада бундай инсонлар яшаётган жамиятга нисбатан ғоявий тажовузлар тез-тез хуруж қилиб туради.

Ғоявий тажовуз – муайян бир жамият, давлат, ижтимоий қатлам онги ва руҳиятига ташқаридан ўтказиладиган мафкуравий таъсир, ғараз­гўй мақсад-манфаатларга хизмат қиладиган мафкуравий босқинчилик.

Ҳозирда кескин тус олиб бораётган глобаллашув жараёнларида ғоявий тажовузларнинг турли-туман кўринишлари ҳамда таъсир этиш усул ва воситалари ишлаб чиқилмоқда. Қуролли куч билан ўз ғаразли мақсадларини амалга ошира олмай­тган экстремистик ва террористик гуруҳлар тобора мафкуравий тажовуз йўлига ўтмоқдалар. Бундай тажовузларга мамлакат аҳли фақат умуминсоний ғоялар ва демократик тамойилларга асосланган соғлом мафкура билан қарши тура олиши мумкин. Бузғунчи мафкураларнинг амалга оширилиши мил­латлар ва халқлар маданиятининг емирилишига, давлат ва жамият ҳаётида салбий ҳодисаларнинг кучайишига сабаб бўлган, кўплаб халқларни ўз йўлини ўзи танлаш ҳуқуқидан маҳрум этган. Бузғунчи мафкуранинг салбий таъсири натижасида шахс мустақил фикрлашдан маҳрум бўлиши ва кейинчалик камикадзе, зомби, манқуртга айланиши ёхуд аянчли оқибатлар юзага келиши мумкин.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – Б.111.

Мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг энг асосий омилларидан бирида – билимлардир. Билимлар адолатли ва ҳақиқий бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятини бойитиши ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Билимлар Ватан ва халқ манфаатлари, умуминсоний қадриятлар устуворлиги билан узвий боғлиқ бўлиши лозим.

Мафкуравий тарбия жараёнида кишиларда ёт бўлган вайронкор ва бузғунчиликка асосланган зўравонлик мафкураларига қарши курашиш учун мафкуравий иммунитетни шакллантиришга алоҳида эътибор берилади. Бу узоқ давом этадиган жараёндир. Мафкуравий иммунитетни шакллантириш кишилар онгига бир хил ғояни зўр бериб тикиштириш, сингдириш эмас, балки одамларда мустақил фикрлаш, оқ-қорани ажратиш, бузғунчи мафкураларга қарши хушёр ва огоҳ бўлиш хусусиятларини тарбиялаш демакдир.

Ёшларда мафкуравий иммунитетни тарбиялашда, ёт ғоя ва мафкуралардан сақланишда ижтимоий-гуманитар фанлар муҳим роль ўйнайди. Мафкуравий иммунитетни шакллантириш мафкуравий-тарбиявий ишлар самарадорлигига эришишнинг муҳим мезони ҳисобланади. Шу боис ёш авлодни маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳалол-поқ шахс сифатида тарбиялаш учун уларда кучли мафкуравий иммунитетни шакллантириш – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдаги энг асосий шартлардан бири бўлиб қолаверади. Ёт ғоя ва мафкуралардан сақланиш ва огоҳ бўлишда мафкуравий профилактиканинг ўрни ҳам муҳимдир.

Мафкуравий профилактика моҳиятига кўра, зарарли ва бузғунчи мафкураларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олади. Мафкуравий профилактика хилма-хил шаклларда ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган мафкуравий-тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ишлар мажмуини, бир сўз билан айтганда, бу соҳада ташкил этилган таълим-тарбия тизимини қамраб олади.

Бугун халқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи унсури бу – билимдир. Аммо билимлар кўп. Диний экстремизм ва терроризм

тарафдорлари ҳам муайян билимларга таянадилар ва уни омма онгига сингдиришга ҳаракат қиладилар. Демак, мафкуравий иммунитет тизимидаги билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятининг бойиши ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Бу бир томондан, иккинчи томондан эса бу билимлар ўз моҳият эътиборига кўра, Ватан, миллат, инсоният манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак. Фуқароларнинг асл ислом ҳақида холис ва етарли билимга эга бўлишлари диний экстремизмга қарши иммунитетни шакллантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Мафкуравий иммунитетнинг иккинчи асосий унсури ана шундай билимлар замирида шаклланган баҳолар, кадриятлар тизимидир. Билимлар қанчалик холис ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган баҳолар, кадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бир сўз билан айтганда, кадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва мафкуравий инфекциялар йўлида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилади.

Мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим унсури ижтимоий – сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий соҳалардаги мўлжал ва мақсадлар тизими билан боғлиқ. Ана шундай аниқ тизим бўлмас экан, хоҳ алоҳида инсон, хоҳ миллат ёки жамият бўлсин, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазйиқларга бардош бериши амримаҳолдир.

Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда ёт ғоялар кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига оладиган мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. У ижтимоий институтлар томонидан хилма-хил шаклларда амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ишлар мажмуини тўғри ташкил этилган бутун тарбия тизимини қамраб олади.

Шундай экан, вояга етаётган ҳар бир фарзандни кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни таъминлашнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолаверади.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўз диний ҳуқуқларини амалга оширилиши учун яратилган шароитларни диний ташкилотлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозирда Республикаимизда **2186 та** диний

ташкилот фаолият юритмоқда. Мустақиллик туфайли уларнинг фаолияти том маънода тикланди.

Бундан ташқари, фуқароларга ислом динининг эзгу моҳиятини тушунтириш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Ҳидоят» журнали ва «Ислом нури» газеталари мунтазам чоп этилмоқда. Республика телевидениеси орқали «Зиё» студияси ва «Ҳидоят сари» кўрсатувлари мунтазам бериб борилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кўплаб диний маданий обидалар тикланди, таъмирланди, қайта қурилди, янги ёдгорлик мажмуалари яратилди. Буюк мутафаккирларимизнинг юбилейлари мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида кенг нишонланди. Рўза ва Қурбон ҳайитлари байрам кунлари деб эълон қилинди. Давлат томонидан ҳаж сафарига боришга кенг имконият яратилди.

Ислом дини миллионлаб кишиларнинг дунёқараш мазмунини ташкил этган ҳолда маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишда беқиёс аҳамиятга эгадир.

Хулоса қилиб айтганда, диний-экстремистик ва террористик ташкилотлари ҳам қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. Улар ҳозирги шиддат билан ўзгариб бораётган жаҳон цивилизациясига мослашув, моделлашув, интерпретация жараёнларини туну кун олиб бораётганлигини сезиш мумкин. Дунёнинг эришган барча фан-техника ютуқларидан ортда қолмай, уларнинг самараларидан кенг фойдаланиш, янги услуб ва воситаларни қўллаш ва айниқса, дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари бағрида яширин ва пинҳона ячейка ҳамда бўлимларини, филиаллари, офислари (тижоратга оид, эркин кўмаклар бериш кабилар)ни очиш ва ташкил этишга тинимсиз ҳаракат қилиб келаётганликларини дунёнинг соғлом кучлари унутмасликлари керак. Диний-экстремистик оқимларнинг мазмуни, моҳияти, мақсад-муддаоларининг ҳозирги кескин глобаллашув жараёнларида турли-туман тусланиб туришини олдиндан билиш, англаш бугунги ўсиб келаётган ёш авлодни, шу жумладан ички ишлар идоралари ходимларини диний экстремизм ва терроризмнинг ҳар қандай кўринишларига зийраклик ҳамда огоҳлик билан шай туришлари талаб этилиши долзарб вазифадир.

2-§.Терроризм ва экстремизмни вужудга келишининг иқтисодий-ижтимоий омиллари

Ўзбекистон халқининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа миллат ёки халқлардан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукаммал тарзда фойдалана билишимиз зарур. Ота-боболаримиз ва аждодларимиз шухратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар ва миллатлар бизга ётсираб, беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф ва эҳтиром этишлари керак. Биз ана шу юксак муносабат ва ҳурматга лойиқ бўлишимиз даркор. Мамлакатимиз Биринчи Президентининг **«Юксак маънавият – енгилмас куч»** асарида талқин этилганидек, «бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб, камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди»¹.

Терроризм ва экстремизм ички сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар натижасида келиб чиқади. Терроризм ва экстремизм таҳдиди ижтимоий-иқтисодий муаммолар мавжуд бўлган ҳудудларда кучаяди. Террористик ва экстремистик гуруҳлар иқтисодий қийналган шахсларни моддий манфаатдорлик эвазига ўз томонига оғдириб олишга интилади. Кўп ҳолларда улар ўз мақсадларига эришадилар. Шу сабабли, мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш, аҳолининг ишсиз қатламини иш билан таъминлаш ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофазасини яхшилаш ўз навбатида терроризм ва экстремизмга қарши курашнинг воситаларидан бири ҳисобланади.

¹ Ўша манба. – Б.30.

Шу билан бирга, давлатлараро зиддиятлар, этник ва диний зиддиятлар, қашшоқлик ва ишсизлик, мафкуравий бўшлиқ каби омиллар терроризмни келтириб чиқариши мумкин.

Терроризм ва экстремизмнинг иқтисодий-ижтимоий омиллари, энг аввало, жамият аъзолари ўртасидаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг мавжудлиги, уларни ҳал этиш борасида зарурий чора-тадбирларнинг кўрилмаслиги оқибатида вужудга келади.

Тарихга назар ташланса, ҳар бир даврда глобал равишдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа муаммолари бўлганини кўриш мумкин. Бундай омиллар сирасига ишсизлик, моддий етишмовчилик, аҳолининг кам таъминланган қатламининг ижтимоий муҳофазасини яхши йўлга қўйилмаганлиги, шу билан бирга, ёшларнинг онгига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни ўз вақтида аниқланиши ва бартараф этилмаслигидир.

Айниқса ёшлар тарбиясига катта хавф солаётган, бутун жаҳонда бало-қазодек тарқалиб бораётган «оммавий маданият» хуружларига қарши курашиш ҳаётини амалий аҳамиятга эгадир. Зеро жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий омилларни бартараф этиш терроризм ва экстремизмга қарши курашнинг муҳим усуллари билан бири ҳисобланади.

Бу жараёнда, энг аввало, ишсизликни бартараф этиш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг бандлигини яхшилаш ва уларнинг моддий эҳтиёжларини қондириш ҳамда уларнинг эркин меҳнат қилиш ва яшаш ҳуқуқини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Конституциямизнинг 13-моддасида мустақамланганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Бозор муносабатлари жараёнида меҳнат қилиш ҳуқуқи борасидаги қонунчилик ҳужжатларини тубдан қайта кўриб чиқиш, бу соҳада чуқур ислохотларни амалга оширишни тақозо этди, шу муносабат билан мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш, ёшларни касбга ўргатиш, янги ишчи ўринларини яратиш, аҳолини иш билан таъминлашда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида бир қанча қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Мазкур

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини ижтимоий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишни таъминлай оладиган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси яратилди, бу борада Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни ва Меҳнат кодекси муҳим ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган-лигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда «Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади»¹ деб таъкидлаб, фуқароларнинг, оналар ва болаларнинг соғлиғини асраш, уларнинг ҳар томонлама ижтимоий муҳофазасини яхшилаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди. Шу билан бирга, ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда олиб борилган ислоҳотлар жараёнида Ўзбекистонимизда барпо этилаётган энг замонавий, улкан ва ноёб саноат объектларининг барпо этилганлиги, жумладан Сурғил кони негизида қиймати 4 миллиард доллардан зиёд бўлган Устюрт газ-кимё мажмуаси каби объектларнинг фойдаланишга топширилаётгани, «Женерал моторс» компанияси билан ҳамкорликда автомобиль двигателлари ишлаб чиқарилаётгани, «МАН» компанияси иштирокида Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва автобуслар ишлаб чиқарадиган янги комплекс ташкил этилгани, Япониянинг «Исузу» компанияси билан биргаликда автобуслар ишлаб чиқарилаётгани, «Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси» масъулияти чекланган жамияти базасида «Дамас» ва «Орландо» енгил автомобиллари ишлаб чиқариш ўзлаштирилганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Мамлакатимизда барпо этилган ушбу корхоналар ўз навбатида аҳолини иш билан таъминлаш имкониятини оширади.

Янги корхоналарни ишга тушириш ва фаолият кўрсатаётган объектларни модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳисобидан юртимизда фақат охириги

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган-лигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат» деб номланган 2015 йилнинг 5 декабрь куни сўзлаган маърузаси // Халқ сўзи. – 2015. – 6 дек.

5 йилнинг ўзида 5 миллионга яқин янги иш ўрни яратилгани биз учун ниҳоятда муҳим бўлган масалани ечишда катта амалий қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **37-моддасида** «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир», **39-моддасида** «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас» деб белгиланган. Дарҳақиқат, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ юртбошимиз аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини давлат томонидан муҳофаза қилиш масаласини кечиктириб бўлмайдиган устувор вазифалардан бири сифатида кўрсатиб ўтган эди.

Шунингдек, «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси»да ҳам меҳнат қилиш ҳуқуқи инсоннинг энг муҳим табиий ҳуқуқларидан эканлиги тан олинган. Ушбу декларациянинг 23-моддасида таъкидланганидек: «Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни ўз эрки билан танлаб олиш, меҳнатнинг адолатли ва қулай шароитлари бўлиши ва ишсизликдан муҳофаза этилиш ҳуқуқига эгадир».

Меҳнат муҳофазаси тегишли қонун ва норматив ҳужжатлар асосида амал қилувчи, меҳнат жараёнида ходим хавфсизлиги, саломатлиги ва иш қобилиятини таъминлашга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Меҳнат ҳуқуқида меҳнат муҳофазаси атамаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода, ишга қабул қилишдан асоссиз бош тортишни тақиқловчи, ходимларни ишдан бўшатиш ва бошқа ишга ўтказишни чекловчи, иш вақти чегараларини белгиловчи ҳамда бошқа кўплаб қулай меҳнат шароитлари яратилишига қаратилган йўналишлар киради.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ишсизликдан ҳимояланиши, меҳнат қонунчилиги асосида меҳнат шароитлари билан таъминлаши борасидаги ҳуқуқлари қонун ва қонуности ҳужжатлари билан қўриқланади ва бу борадаги вазифалар ваколатли давлат органлари томонидан таъминланади, жумладан профилактика инспектори

ҳам хизмат кўрсатиш ҳудудида ушбу йўналишдаги ишларни ташкил этиш, айниқса илгари судланган ва ижтимоий реабилитация ҳамда мослаштириш чора-тадбирлари қўлланилиши лозим бўлган тоифадаги шахсларни ишга жойлаштиришда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлиги лозим. Шу билан бирга, ҳамкорлик доирасида фуқаролар ва вояга етмаганларнинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ва касб ўрганиш борасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилади, учраган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш борасида зарурий ишларни амалга оширади.

Бундан ташқари, терроризм ва экстремизмнинг ижтимоий омилларидан бири аҳолининг ҳуқуқий онги ва билимининг етарли даражада шаклланмаганлигидир. Ёшларнинг турли оқимларга кириб қолишлари сабаблари қаторида уларда диний маълумотнинг етишмаслиги, уни эгаллашга бўлган қизиқиш ва интилиш ҳамда ишонувчанлик, бирданига ва ҳамма нарсага (бойлик, шон-шуҳрат, мартаба ва ҳ.к.) эга бўлишга ҳаракат қилиш, илмий тилда айтганда, максимализм каби маънавий-руҳий омилларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. «Сен бу ташкилотга кириш ёки мана бу вазифани бажариш билан алоҳида, ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган шарафли ишга қўл урган бўласан, керак бўлса, сен миллат, дин, инсониятнинг халоскорига айланасан!», – деган қарашларни сингдириш жараёни айнан мана шу каби хусусиятларга алоҳида эътибор берилаётганини кўрсатади. Ёшларнинг диний- экстремистик гуруҳлар таъсирига тушиб, турли террорчилик амалиётлари иштирокчисига айланиб қолишларининг асосий сабаби, уларнинг на диний, на дунёвий билимга эга эмасликлари, соф ислом таълимотини билмасликларидир.

Ёшлар уларнинг руҳий хусусиятларини, яхши биладиган ва ўз ғаразли мақсадлари йўлида улардан усталик билан фойдаланаётган, халифалик тузсак, барча муаммоларимиз ҳал бўлади, деб юрган ҳизбчилару, ота-боболаримиз мазҳабга амал қилиб адашганлар, деган даъвони тарқатаётган саводсизларнинг сафсаталарига учиб, алданиб қолмоқдалар, ўз ҳаётларини хатарга қўймоқдалар, ўз жонларига қасд қилмоқдалар.

Диний тафаккурнинг сиёсийлашув жараёни глобал миқёсда, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасида ҳам долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикасида дин соҳасидаги сиёсат қонунийлик, демократия, дунёвийлик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш

тамойиллари асосида олиб борилмоқда. Конституция ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда диннинг давлатдан ажратилганлиги, виждон ва эътиқод эркинлиги кафолатланганлиги ҳамда диний экстремизмга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари ифодаланган.

Фуқароларнинг диний экстремизм ва терроризмга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш муаммоларини эътиборга оладиган бўлсак, мамлакатимиз ичида ўзларининг ғайриинсоний ва ғайриисломий ғояларни тарқатишга ҳаракат қилаётган диний экстремистлар ҳам ана шундай ғаразли ниятларини, мақсадларни, яъни ёшларни чалғитиш, улар ёрдамида мамлакатни ўз тараққиёт йўлидан четлатишга интиладилар.

Юқоридагилардан шундай хулоса келиб чиқадики, экстремистлар кишилар қалби ва онгини эгаллашга бор куч ва имкониятларини ишга солишга ҳаракат қилмоқдалар. «Бугунги кунда инсоният қўлида мавжуд бўлган қурол-яроғлар ер куррасини бир неча бор яқсон қилишга етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим», деб бежиз таъкидламаган эди мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов.

3-мавзу. ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМНИНГ УМУМИЙ ВА МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1-§.Терроризм ва экстремизмнинг умумий ва махсус профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти, ҳуқуқий асослари.

2-§.Терроризм ва экстремизмнинг умумий профилактикасининг асосий йўналишлари, чора-тадбирлари.

3-§.Терроризм ва экстремизмнинг махсус профилактикасининг асосий йўналишлари, чора-тадбирлари.

1-§.Терроризм ва экстремизмнинг умумий ва махсус профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти, ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, табиийки, давлатга кириб-чиқишнинг халқаро қоидалари татбиқ қилина бошлади. Натижада элимизга яхшилар қатори маҳаллий анъаналаримизга ёт турли ғоялар ҳам кириб келиш имкони туғилди.

Жаҳон майдонларида минтакалар ва ҳудудларни мафкуравий бўлиб олишга уринишлар турли йўллар билан амалга оширилмоқда. Масалан, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан кейин мафкура соҳасидаги ҳаёт осонликча кечмади. Миллий истиқлол ғоясига зид бўлган ёт ва бегона ғояларнинг кириб келишига ва ёшларимиз онгини эгаллашга, уларни мамлакатимизда белгиланган улуғ мақсадлардан оғдиришга уринишлар бўлди. Бундай ҳаракатларнинг тарафдорлари «дўст», «миллатдош», «ватандош», «диндош» бўлиб кўриниш мақсадида ўз ғояларини амалга оширишга уриндилар. Натижада, миллий қадриятларимизга зид бўлган турли хил қарашлар аҳоли, айниқса, ёшлар онгини эгаллашга ҳаракат қилди.

Ҳозирги вақтларда терроризм ва экстремизмнинг олдини олиш ва унга қарши кураш долзарб муаммолардан бирига айланди. Чунки, бу жараёнларни ўзининг бошидан ўтказган Ўзбекистон халқи бунга гувоҳдир. Унинг мудҳиш оқибатлари натижасида қанча бегуноҳ одамлар, вояга етмаган гўдаклар, ҳимоясиз кишилар қурбон бўлди. Ҳозирги вақтда жамиятга бўлган хавфи жуда каттадир. Терроризм ва экстремизмнинг яна бир хавфли томони шундаки, бу йўлга ҳозирги

пайтда кўплаб вояга етмаган ва ёшларнинг жалб этилишидир. Бунинг асосий сабабларидан бири, ҳозирги кунда ўтиш давридаги баъзи бир қийинчиликлар, бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг ривожланаётган вақтидаги рақобатга кўпчилик одамларнинг дош бера олмаслиги ва ҳозирги демократик ҳуқуқий давлатчилик тузумига нисбатан салбий қарашларнинг мавжудлигидир ва бунинг оқибатида эса кўплаб ёшларимизнинг онгининг захарланишидир.

Ҳозирда ер шарида: а) ҳаётнинг глобаллашиб ва жадаллашиб бораётганлиги; б) жаҳон ҳамжамиятини бошқариш, халқаро муаммоларни ҳал қилишнинг демократик усулларига қарши зўравонлик усуллари кўллашнинг кенгайиб бораётганлиги; в) диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм ва терроризмнинг кучайиб бораётганлиги; г) халқаро уюшган жиноятчиликнинг янгидан-янги ҳудудларда, хусусан табиий ва меҳнат ресурсларига бой бўлган мамлакатларда фаолият юритишга борган сари кўпроқ уринаётганлиги; д) гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши ортиб бораётганлиги; е) миграция ва ахборот алмашиш жараёнларининг кенгайиб ва тезлашиб бораётганлиги жиноятчиликнинг, хусусан унинг халқаро уюшган шакллари кенгайиб боришига хизмат қилмоқда. Бундай вазиятда жамиятда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш ушбу ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш ва ташкил этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки кунларида жамият тинчлиги ва осойишталигига, жамоат тартиби ва хавфсизлигига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, қолаверса ёш мустақил Ўзбекистоннинг конституциявий тузумига қарши таҳдидлар қуйидагича намоён бўлди:

– 1992 йилда экстремистик ва бузғунчилик ғоялари остида ўз жиноий мақсадларини амалга оширишга ёшларни жалб этган ҳолда Тошкентнинг талабалар шаҳарчасида содир этилган оммавий тартибсизликлар;

– 1992–1993 йиллардаги Наманганда диний-экстремистик гуруҳларнинг амалдаги конституциявий тузумни зўрлик ишлатиш орқали ўзгартиришга уринишлари;

– 1994–1998 йиллар давомида ўз жиноий фаолиятларини олиб борган экстремистик ғояларга асосланган уюшган жиноий тузилмаларнинг Андижон, Наманган вилоятларида давлат ҳокимияти, шу

жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари ва ходимларига нисбатан содир этилган қуролли босқинчиликлари;

– 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрининг 5 жойида (Мустақиллик майдонининг 2 жойида, ИИВ поликлиникаси, Миллий банк олдида), бир вақтнинг ўзида ва орадан бир оз вақт ўтгандан сўнг террористлар қўпоровчилик учун тайёргарлик кўрган турар жойда (Чилонзор туманида) портлашларнинг амалга оширилиши;

– конституциявий тузумни зўрлик ишлатиш орқали ўзгартириш мақсадида Ўзбекистон ҳудудида фаолият олиб борган уюшган жиноий тузилма томонидан 1999 йил 30 март куни Тошкент – Урганч йўналишида қатновчи автобусда 26 нафар йўловчининг гаровга олинishi¹ ва ҳ.к.

Минтақада тарихан шаклланган ижтимоий-иқтисодий, маданий, маърифий алоқаларни издан чиқариш, дўст ва биродар давлатлар, халқлар ва миллатлар ўртасига низо солиш, кескинлик ўчоқларини келтириб чиқариш учун турли ғоявий, диний ва мафкуравий воситалар ишга солинмоқда. Айниқса, Марказий Осиё халқларининг дунёқараши ва маънавиятида ислом динининг мустаҳкам ўрин эгаллаганидан фойдаланиб, уларга исломий «сабоқ» бериш, исломни қайта тиклаш баҳонасида минтақада диний экстремизм ва фундаментализмни кенг тарқатиш борасида олиб борилаётган қўпоровчилик ҳаракатлари кучайди.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан терроризм ва экстремизмнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Терроризм ва экстремизмнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашишда давлат органлари ва жамоатчиликнинг фаолиятини мувофиқлаштириб вазифаларини тақсимлаб ҳамкорлигини таъминлаб берди.

Маълумки, Республикамизда қонун устуворлиги принципига амал қилинади ва бунинг ҳамма томонидан бажарилиши таъминланади. Қонун олий юридик кучга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади» деб кўрсатилган. Бу

¹ Ички ишлар органларининг профилактик фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М. З. Зиёдуллаев, Н. Т. Исмоилов ва бошқ. – Т., 2011. – Б.405.

қоидалар қонунларимиз билан тартибга солинган. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги 1998 йил 1 май қонунида аниқ ва лўнда қилиб динга эътиқод қилиш тартиб қоидалари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 573-сонли 1994 йил 29 ноябрда қабул қилинган қарорига мувофиқ Ички ишлар вазирлиги таркибида Интерполнинг Ўзбекистондаги Миллий марказий бюроси ташкил этилган бўлиб, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмаси, уюшган жиноятчилик, терроризм, фирибгарлик, қалбаки пул ясаш ва иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш, республикада жиноят содир этиб, хорижда яшириниб юрган жиноятчиларни қидириш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминловчи ахборотларни хориждан олиш, халқаро жиноятчиликка қарши кураш бўйича расмий ва махфий (тезкор-қидирув) маълумотларнинг алмашинувини таъминлаш каби-ларни амалга ошириш билан терроризм ва экстремизмни олдини олинишида ўз ўрнига эга.

Ички ишлар органларининг профилактика хизматларининг терроризм ва экстремизмнинг умумий ва махсус профилактикасининг амалга ошириш муайян ҳуқуқий асослар замирида ташкил этилади, қонунга асосланмаган ҳар қандай фаолият нафақат ҳуқуқий демократик давлат принципларига зид, балки амалдаги ҳуқуқ-тартиботни таназзулга олиб келади. Шу нуқтаи назардан Ички ишлар органларининг профилактика хизматларининг терроризм ва экстремизмнинг умумий ва махсус профилактикасининг амалга ошириш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, юридик кучига кўра, икки гуруҳга ажратиш мумкин қонунлар ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ажратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги 2000 йил 15 декабрь қонуни терроризм ва экстремизмга қарши курашнинг аниқ йўналишларини ва махсус субъектларини белгилаб берди. Мазкур қонуннинг 8-моддасида терроризмга қарши курашни амалга оширувчи қуйидаги давлат органлари кўрсатилган:

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.

Мазкур давлат органларининг терроризм ва экстремизмга қарши кураш бўйича вазифалари, мажбуриятлари ва ваколатлари белгилаб берилган ҳолда умумий ва махсус профилактик чораларни амалга оширишда ҳамкорлик механизми ҳам яратилган. Қонун асосида терроризм ва экстремизмга қарши кураш субъектлари этиб белгиланган давлат органларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати назоратида ва раҳбарлигида амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунда шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш тартиблари ёритилди.

Шу жумладан, мазкур қонун асосида терроризм ва экстремизмнинг умумий ва махсус профилактикасининг тушунчаси ва чора-тадбирлари ҳамда йўналишлари кўрсатиб берилган, жумладан «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасида «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси-дир» деб кўрсатилган бўлса, қонуннинг 24-моддасида «Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ва уни амалга ошириш асослари

қачонки ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасидир» деб таъриф бериб ўтилган. Демак, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг кўпайиши, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши сабаб бўлади.

Умумий профилактикада оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда тарғибот-ташвиқот ишларининг амалга оширилиши, митинглар, давра суҳбатлари ва илмий конференциялар ташкил этиш ва мавжуд муаммолар ечимлари юзасидан таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилишида имкониятларининг мавжудлиги ва ҳоказо.

Терроризм ва экстремизмнинг махсус профилактикаси эса алоҳида режа ва кўрсатмалар асосида террористик ва диний-экстремистик оқимлар фаолияти кучайганда, шунингдек ушбу ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар тоифасининг кўпайган ҳудудларда амалга оширилиши билан ажралиб туради. Масалан, «Антитеррор», «Тозалаш» ва бошқа шунга ўхшаш махсус профилактик тадбирларнинг ўтказилиши.

2-§. Терроризм ва экстремизмнинг умумий профилактикасининг асосий йўналишлари, чора-тадбирлари

Ўзбекистон Республикасининг терроризм ва экстремизмнинг профилактикаси сиёсати Олий Мажлис ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади. Терроризм ва экстремизмнинг профилактикасини амалга оширувчи ички ишлар, прокуратура, миллий хавфсизлик хизмати, солиқ, божхона ва бошқа органлар эса бу соҳадаги давлат сиёсатини бевосита амалиётга татбиқ этадилар. Терроризм ва экстремизмнинг профилактикасининг муаммолари ҳар бир давлат ички сиёсатининг ажралмас бўғини ҳисобланади. Ўтган

асрнинг охирги ўн йиллиги ва XXI асрнинг дастлабки йиллари халқаро терроризм деб номланган ўта оғир ва хавфли жиноятларни содир этиш билан боғлиқ «хуруж»лар дунёнинг турли қитъаларида хоҳлаган жойни кутилмаган пайтда тўс-тўполон билан ларзага сола бошлади. Унга қарши ҳамкорликда курашиш ривожланган ёинки, ривожланиш йўлида бораётган барча давлатларнинг глобал муаммосига айланди. Терроризмга қарши кураш ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, мафкуравий масалалар қаторидан ўрин эгаллади.

Терроризм ва экстремизмнинг умумий профилактикаси – бу, терроризм ва экстремизмнинг профилактикасини бевосита амалга оширувчи органларнинг терроризм ва экстремизмнинг олдини олиш, унинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолиятидир.

Профилактика инспекторлари томонидан терроризм ва экстремизмнинг умумий ва махсус профилактикаси чора-тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш бевосита Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари: жумладан, 2000 йил 15 декабрдаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, 2004 йил 26 августдаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги, 1998 йил 1 майдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрири), 2008 йил 17 апрелдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги, 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунлари асосида ташкил этилади.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг **23-моддасида** ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг қуйидаги чора-тадбирлари кўрсатилган:

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

– аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот;

– ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

Мазкур қонуннинг талабларидан келиб чиқиб, терроризм ва экстремизмнинг умумий профилактикасининг қуйидаги асосий йўналишларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

– аҳоли ва ёшлар ўртасида терроризм ва экстремизмнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш;

– оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ва туркум мақолалар эълон қилиш;

– илмий конференциялар, давра суҳбатлари ўтказиш ва маърузалар ўқиш;

– вояга етмаганларга терроризм ва экстремизмнинг салбий оқибатларини намойиш этувчи видео роликлар ва видеофильмлар намойиш этиш ва бошқ.

Профилактика хизматлари томонидан терроризм ва экстремизмнинг умумий профилактикасининг қуйидаги чора-тадбирлари ташкил этилади ва амалга оширилади:

– маъмурий ҳудудда истиқомат қилувчи фуқаролар билан терроризм ва экстремизмнинг салбий оқибатларини тушунтириш;

– оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилади;

– корхона, ташкилот, муассасаларда ва маҳаллаларда маърузалар ўқиш;

– корхона, ташкилот, муассасаларда ва маҳаллаларда мутахассислар (олимлар, диний қўмита вакиллари, имом-хатиблар, юристлар ва бошқ.) иштирокида давра суҳбатлари ташкил этиш;

– маъмурий ҳудудда вақтинча ёки доимий яшаётган ёки ишлаётган чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва фуқаролар билан корхона, ташкилот, муассасаларда ва маҳаллаларда учрашувлар ташкил этиш, уларга терроризм ва экстремизмнинг хавфини тушунтириш;

– аҳоли гавжум жойларда (бозорлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, асосий кўчалар ва шу каби бошқа жойларда) плакатлар ва эълонлар жойлаштириш;

– ҳудудидаги корхона, ташкилот, муассасаларда ва маҳаллалар (мактаб, касб-хунар коллежи, академик лицей, олий ўқув юртлари, хусусий ишлаб чиқариш корхоналари)да видео роликлар намойиш қилиш;

– заруратдан келиб чиқиб огоҳликка чақирувчи овозли матнни эшиттириш.

Шунингдек, терроризм ва экстремизмнинг олдини олишда аҳоли гавжум жойларда ҳамда пиёдаларнинг фаол ҳаракатланиш йўналишларида турли тарғибот-ташвиқот плакатларини осиб қўйиш каби ишларни амалга ошириш ва огоҳликка чақирувчи бошқа усуллардан фойдаланиши мумкин.

Терроризм ва экстремизмнинг олдини олиш мақсадида профилактика инспектори ҳудудида жойлашган объектларни профилактик кўздан кечиради ва кўздан кечириш жараёнида виждон эркинлигини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи, рухсатсиз диний таълим берувчи, миссионерлик билан шуғулланувчи, экстремистик ва террористик ғояларни тарғиб қилувчи материалларни тарқатувчи, оммавий тарзда тарқатиш мақсадида уларни ишлаб чиқаришни амалга оширувчи ёхуд сақловчи, шунингдек фаолияти тақиқланган ташкилотлар ҳамда диний-экстремистик гуруҳларга алоқадор бўлган шахсларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратиши керак.

Терроризм ва экстремизмнинг умумий профилактикасини самарали ташкил этиш учун унинг чора-тадбирларини иш режаларига киритиш ва ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши тартибини аниқ белгилаб қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Терроризм ва экстремизмнинг умумий профилактикаси чора-тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиш жараёнига, ички ишлар органлари соҳавий хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар (*МХХ, прокуратура, божхона хизмати, солиқ хизмати, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ҳамда таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари*) ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, фуқароларни жалб этиши мумкин.

Шунингдек, виждон эркинлигини таъминлашга тўсқинлик қилувчи, террорчилик ва экстремистик ғояларни тарғиб қилувчи, рухсатсиз диний таълим берувчи, миссионерлик билан шуғулланувчи, шунингдек бошқа фаолияти тақиқланган ташкилотлар ҳамда диний-экстремистик йўналишдаги гуруҳларга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйишда ички ишлар органининг соҳавий хизматлари асосан ЖҚваУЖҚК хизмати билан яқиндан ҳамкорликда амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлиги юқори бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, терроризм ва экстремизмнинг умумий профилактикаси чора-тадбирларини замонавий усул ва шаклларни қўллаган ҳолда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

3-§. Терроризм ва экстремизмнинг махсус профилактикасининг асосий йўналишлари, чора-тадбирлари

Терроризм ва экстремизм ижтимоий хавфи юқори бўлган жиноятлардан бири бўлиб, у барча жамият аъзоларининг ҳаётини издан чиқаради, мамлакатда нотинчликлар ва иқтисодий–сиёсий вазиятнинг издан чиқишига сабаб бўлади, энг асосийси тинчлик ва осойишталик йўқолади. Шу боис ушбу жиноятларга қарши кураш ва уни самарали амалга ошириш, имкон қадар таг-туғи билан кўпориб ташлаш жамият аъзоларининг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлайди.

Терроризм ва экстремизмнинг олдини олиш ва унга қарши курашнинг энг зарур чора-тадбирларидан бири бу махсус профилактикадир.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасида махсус профилактиканинг тушунчаси келтириб ўтилган бўлса, 25-моддасида илгари судланганлар ўртасида, 27-моддасида эса вояга етмаганлар ўртасида ўтказиладиган махсус профилактик чора-тадбирлари белгилаб берилган.

Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятлар содир этган илгари судланган шахслар сони кўпайганда қуйидаги махсус профилактик чора-тадбирлар амалга оширилади:

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида терроризм ва экстремизмнинг содир этилиши сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида терроризм ва экстремизмнинг махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

– терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган шахсларни ижтимоий реабилитацияга ва ижтимоий мослаштиришга тайёрлаш бўйича махсус тадбирларни амалга ошириш;

– терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятлар содир этиб жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;

– терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноят содир этганлиги учун жиноий жазога тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини ташкил этаётган ташкилотларни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2010 йил 29 сентябрь қонуни асосида ижтимоий хавfli аҳволда бўлган вояга етмаганлар аниқланади, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш чоралари кўрилади, жумладан ишга, ўқишга жойлаштириш, касбга ўргатиш ва бошқа турдаги махсус профилактик чора-тадбирлар амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги ва 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунлари ҳам терроризм ва экстремизмга қарши курашда унинг махсус профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Терроризм ва экстремизмнинг махсус профилактикасини Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Республика миқёсида олиб борилиши юзасидан идоравий-ҳуқуқуий ҳужжат ишлаб чиқиб шу асосида алоҳида тартибда махсус профилактик ва тезкор тадбирлар режаси ишлаб чиқилади ва ҳар бири ўзларининг ваколатлари доирасида амалга оширади.

Шу билан бирга, ушбу давлат органлари ўзаро бир-бири билан терроризм ва экстремизмнинг махсус профилактикасини амалга ошириш ва ташкил этиш бўйича ҳамкорликда идоравий-ҳуқуқуий ҳужжатлар ишлаб чиқади ва шу асосида ишлар олиб боради.

Худудий Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар бошқармалари, Давлат божхона идоралари, Мудофаа бўлимлари ва Фавқулодда вазиятлар идоралари ўзларининг ҳудудлари миқёсида терроризм ва экстремизмнинг махсус профилактикасини амалга оширади ва уларнинг фаолияти фақат ушбу ҳудуд ёки минтақада ташкил этилади ва амалга оширилади.

Терроризм ва экстремизмнинг махсус профилактикасини олиб боришда иштирок этаётган давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш борасида ҳамкорликда ҳаракат қилишларини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилади.

Терроризм ва экстремизмнинг махсус профилактикасини амалга оширишда давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашадилар ва зарур ёрдам берадилар.

Ички ишлар органларининг профилактика хизматлари томонидан терроризм ва экстремизмнинг махсус профилактикасини амалга оширишда асосан умумхалқ байрамлари, сиёсий тадбирлар ва оммавий тадбирлар ўтказилишидан олдин ёки ўтказилаётган вақтда амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари, криминоген вазият таҳлили натижаларига асосан маъмурий ҳудудда ёки у ерда жойлашган алоҳида объектда жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келишида ички ишлар органларининг профилактика хизматлари терроризм ва экстремизмнинг махсус профилактикасини амалга оширади.

Терроризм ва экстремизмнинг махсус профилактикаси ички ишлар органларининг профилактика хизматлари томонидан ошқора ва ноошқора усулларда амалга оширилиши мумкин.

Ички ишлар органларининг профилактика хизматлари томонидан терроризм ва экстремизмнинг махсус профилактикасини «Анти-террор», «Арсенал», «Паспорт-виза», «Спитамен», «Тозалаш», «Қора-

дори», «Қидирув» каби махсус ҳамда тезкор-профилактик тадбирлари орқали амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2012 йил 25 февралдаги 49-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Тозалаш» махсус тезкор-профилактик тадбирининг ўтказилиш тартиби бўйича тўхталиб ўтамиз. Ушбу буйруқ билан «Тозалаш» махсус тезкор-профилактик тадбирининг намунавий режаси ишлаб чиқилган.

Ички ишлар идораларининг профилактика хизматлари томонидан «Тозалаш» тадбири жойларда тезкор вазиятни барқарорлаштириш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни ўз вақтида фош этиш мақсадида ташкил этилади.

Намунавий режада, авваламбор, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, республикани жиноий гуруҳлардан тозалаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш, диний экстремистик оқим тарафдорларини аниқлаш, паспорт тизими, республикага чет эл фуқароларининг келиши ва кетиши тартибини мустаҳкамлаш, ноқонуний равишда сақланаётган қуролларни аниқлаш ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш мақсадида «Тозалаш» шартли номи остидаги тезкор-профилактик тадбирни мунтазам равишда ўтказиб туриш лозимлиги белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, намунавий режада тадбирнинг мақсади ва вазифалари аниқ ва равшан акс эттирилди.

Чунончи, мақсад ва вазифа сифатида қуйидагилар белгиланган:

– ички ишлар идоралари ходимларини қўшимча куч ва воситалар билан мустаҳкамлаш орқали темирйўл, автомобиль ва ҳаво транспортда жиноий ниятдаги ёки бошқа давлатларда содир этилган жинояти учун қонун таъқибидан яшириниш ниятидаги ёки қуроласлаҳа, портловчи моддалар олиб киришга йўл қўймаслик бўйича зарур тартибни таъминлаш;

– республика ҳудудидан ташқарига моддий - товар бойликларни ва озиқ-овқатларни ноқонуний олиб чиқиб кетилишига йўл қўймаслик ва бундай уринишларни аниқлаш ва олдини олиш;

– жиноятларни очиш, тергов ва суддан яширинган, жазони ижро этиш муассасаларидан, қуролли кучлардан қочган жиноятчиларни қидириш борасидаги оператив - қидирув тадбирларни бир мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга ошириш;

– кучли оператив қизиқиш уйғотадиган шахслар, турли жиноий тузилмалар ва жиноятчиларнинг «обрўмандлари» ва «етакчилари», шунингдек жиноий «жамият»нинг «разборчиклик» ва «йиғувчилик» каби жиноий «анъана»ларига риоя қилувчи шахслар, шунингдек ноқонуний равишда қурол сақлаётган шахсларни аниқлаш ва уларга қонуний чоралар кўриш;

– йўл-транспорт ҳодисасини содир этиб қидирувда бўлганларни, шунингдек олиб қочилган автомобилларнинг эҳтиёт қисмларини топиш мақсадида хусусий автомобиллар таъмири билан шуғулланувчи шахслар, техник хизмат кўрсатиш станциялари, гаражлар, автотранспорт воситалари турадиган жойларни текшириш;

– диний-экстремистик оқим тарафдорларини аниқлаш, бундай оқим таъсирига ёшларни тушиб қолишларининг олдини олиш, аҳоли ўртасида экстремистик-террористик ҳолатларни тарғибот қилувчи шахсларни аниқлаш, уларни қонуний жавобгарликка тортиш ишларини йўлга қўйиш;

– диний ақидапарастлар, ноқонуний чиқишларга уринувчилар ҳамда варақа тарқатувчиларни аниқлаш;

– муқаддам хонадон ўғрилиги, автотранспорт воситаларини олиб қочиш, товламачилик жинояти учун муқаддам судланган шахсларни текшириш;

– республикамизга қўшни давлатлардан кириб келаётган экстремистик руҳдаги турли хил адабиёт ва варақаларни, экстремист-террорчи жангариларни аниқлаш, уларга ўз вақтида қонуний чора кўриш ишларини ташкиллаштириш;

– ноқонуний валюта операциялари, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар пулларини қалбаки қилиш ва уларни муомалага киритишнинг олдини олиш ва аниқлаш;

– рангли металл ва хомашёни ноқонуний равишда сотиш ва сотиб олиш ҳолларини аниқлаш ва олдини олиш борасида тегишли чораларни кўриш;

– муқаддам судланганлар, ички ишлар бўлимларида ҳисобда турадиган балоғат ёшига етмаганлар, гиёҳвандлар, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинганлар ва тезкор-профилактик ҳисобда турган бошқа шахсларнинг ҳаёт тарзини ва ўзини жамиятда тутишини текшириш бўйича яхлит тадбирларини амалга ошириш;

– муҳим, ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг қўриқланишини кучайтириш, уларнинг доимий жанговар ҳолатда бўлишларини текшириш;

– паспорт қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, жумладан чет эл фуқароларини, айниқса Тожикистон ва Афғонистон Республикаларидан келганларни, республика ҳудудида узоқ муддат яшаб турган чет эл фуқароларини текшириш;

– чет эл фирмалари ва қўшма корхоналар, фирмалар томонидан ҳуқуқий тартиботга риоя қилинишини текшириш;

– гиёҳванд моддалар, шахвоний руҳдаги материалларни тарқатувчилар, ўғирланган молларни олиб сотувчилар, фоҳишабозлар, валюта операцияси, рэкет, дайдилик, тиламчилик билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш мақсадида меҳмонхоналар, ресторанлар, қахвахоналар, бозорлар, кинотеатрлар, парклар, видеосалонлар, ётоқхоналар, шоҳ бекатлар, аэропортлар, вокзаллар ва жиноий унсурлар тўпланадиган бошқа жойларни текшириш;

– пост-патруль хизматларини кучайтириш, республика ҳудудида жамоат тартибини сақлашни таъминлаш;

– мулкчилик шаклидан қатъий назар халқ хўжалик объектларида моддий товар бойликларининг сақланиши устидан назоратни кучайтириш;

– давлат ва бошқа шаклдаги мулкларни талон-торож қилувчи шахсларни аниқлаш ва уларни ушлаб жиноий жавобгарликка тортиш бўйича махсус рейдларни ўтказиш;

– фуқаролар ва ташкилотлардан белгиланган қонунни бузган ҳолда сақланаётган ўқ-отар қурооллар ва уларнинг ўқ-дориларини олиб қўйиш ва тегишли чораларини кўриш;

– йўл ҳаракати қоидаларига ҳайдовчилар томонидан риоя қилинишини текшириш, маст ҳолда автомашина бошқараётган фуқароларни аниқлаб тегишли чораларни кўриш;

– ташкилот ва корхоналарда, хонадонларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини текшириш, бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тегишли чораларни амалга ошириш;

– кўча ва бошқа жамоат жойларида тозалик тартибини таъминлаш учун керакли чораларни кўриш;

– темир йўл транспорти йўловчиларининг хавфсизлигини таъминлаш.

Тадбирни ўтказиш тартиби ва муддати.

«Тозалаш» тадбири оператив вазият мураккаблашганда Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ, Транспорт ИИБ ва вилоятлар ИИБ бошлиқларининг кўрсатмалари билан, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳудудларида ёки Ички ишлар вазирининг фармойиши билан яхлит республика бўйича ёки алоҳида бир минтақада амалга оширилади.

Тадбирни сифатли ўтказиш мақсадида ИИВ, ИИББ, ИИБ, ТИИБ, шаҳар-туман ИИБларда тезкор штаблар тузилиб, улар Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ, Транспорт ИИБ, шаҳар туман ИИБ бошлиқлари томонидан бошқарилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, Транспорт ИИБ бошлиғи ва вилоятлар ИИБ бошлиқларининг хизмат бўйича ўринбосарлари ва ТИБ бошлиқлари тузилган тезкор штабларнинг ўринбосарлари ҳисобланади.

Асосий соҳавий хизматлар бошлиқлари штаб аъзолари ҳисобланади. Штаб қошида 3–4 ходимдан иборат (филтр) ишчи гуруҳ тузилади, улар жойлардан тадбир натижалари ҳақида маълумотлар йиғишни амалга оширадилар.

Тезкор штаблар зиммасига юклатилган вазифалар қуйидагилардан иборат:

– вилоят, шаҳар-туман ҳокимликлари, хўжалик ташкилотлари билан тадбирга маҳалла фаолларини, кенг жамоатчилик ва «маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари ҳамда транспорт воситаларини жалб қилиш масаласи бўйича ҳамкорлик қилиш;

– тадбирни ўтказиш, йўналишлар ва текширилиши лозим бўлган шахслар борасидаги режаларни тайёрлаш устидан назорат қилиш;

– тадбирга жалб қилинган барча куч ва воситаларни мувофиқлаштириш;

– жойлардан тушаётган маълумотларни таҳлил қилиш;

– тезкор вазият ўзгарган ҳолда қўшимча қарорлар қабул қилиш;

– тадбир устидан назорат қилиш ва унда бевосита иштирок этиш;

– паст кўрсаткичга эга бўлган шаҳар-туман ва вилоят ИИБ раҳбариятини муҳокама қилиш;

– тадбир яқунларини чиқариш ва ҳар куни юқори турувчи идорага ахборотнома бериш;

– тадбир натижалари бўйича яхши кўрсаткичларга эришган ходимларни мукофотлаш ва тадбир давомида ёмон кўрсаткичларга йўл қўйган, ўз вазифаларга виждонан ёндашмаган ходимларни интизомий жазолаш ҳақидаги буйруқлар чиқариш;

– тадбир давомида эришилган яхши кўрсаткичларни кенг оммага етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бориш ишларини ташкил этади.

Тадбирга қўйидаги куч ва воситалар жалб қилинади:

– Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ, Транспорт ИИБ, шаҳар-туман ИИБ шахсий таркиби;

– Ўзбекистон Республикаси ИИБ ўқув юртлари тингловчи ва курсантлари, бошланғич тайёрлов мактабларнинг шахсий таркиби;

– «маҳалла посбони» жамоат тузилмалари;

– фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари;

– маҳаллий ҳокимият вакиллари;

– бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари;

– кенг жамоатчилик;

– керакли миқдорда транспорт ва алоқа воситалари.

Тадбирга жалб қилинган ички ишлар идоралари ходимлари 5 кишидан кам бўлмаган гуруҳларга бўлинади. Гуруҳ профилактика инспектори, тезкор хизмат, жамоат тартибини сақлаш, ЙҚХ, ёнғин хавфсизлиги ходимларидан ташкил қилиниб, уларнинг олдига мазкур режанинг 1-бўлимида қайд этилган вазифалар қўйилади.

Шаҳар-туман ИИБ ва ҳудудий транспорт ИИБ бошлиқлари зиммасига:

– қидирувда бўлган жиноятчилар, бедарак йўқолган шахслар, маъмурий назорат остида бўлганлар, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинганлар, спиртли ичимликларни мунтазам ичувчи шахслар, гиёҳвандлар, профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганлар, чет эл фуқаролари, чет эл ва қўшма фирмалар, меҳмонхоналар, ресторанлар, қаҳвахоналар, жиноий унсурлар тўпланадиган жойлар, муқаддам судланган шахслар, диний-экстремистик оқим аъзолари ва тадбир давомида текшириладиган объектлар рўйхатини тайёрлаш;

– берилган кучларни хизматга олиб бориш ва олиб келиш ишларини ташкил этиш;

– тадбирларда жамоатчилик вакилларининг қатнашишини ташкиллаштириш учун керакли чораларни кўриш;

– олиб келинган ва ушланганларни текшириш учун тергов хизмати ходимлари бошчилигида филтер гуруҳларини тузиш;

– тадбир чоғида шаҳар-туман ИИБда прокуратура ва суд ходимлари навбатчиликларини ташкил қилиш учун кўрсатилган идораларга хатлар киритиш вазифалари юклатилди.

Тадбир якунларини умумлаштириш.

Тадбир якуни бўйича чақирув ҳар куни қуйидаги вақтлар билан белгиланган:

– шаҳар-туман ИИБ ҳудудий Транспорт ИИБларида соат 21.00дан 23.00гача.

– Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ ва транспорт ИИБларида соат 23.00дан 01.00гача.

– Ўзбекистон Республикаси ИИБда соат 06.00дан 08.00гача.

Барча жойларда ҳисобот варақаси аниқ сонлар билан тўлдирилиб, аниқ мисоллар келтирган ҳолда юқори ички ишлар идораларига юборилиши амалга оширилади.

Агарда кенг қамровли «Тозалаш» махсус тезкор-профилактик тадбири республика миқёсида амалга оширилиши кўзда тутилса, унда тадбирни ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ИИБ тезкор штаби қуйидаги таркибда ташкил этилади: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг хизмат бўйича ўринбосари умумий раҳбар этиб, ўринбосарлари сифатида эса Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҲООББ ва ТИБ бошлиқлари тайинланади.

Тезкор штаб аъзолари:

– Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСББ бошлиғи;

– Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ бошлиғи;

– Ўзбекистон Республикаси ИИБ «Қўриқлаш» РБ бошлиғи;

– Ўзбекистон Республикаси ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғи;

– Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙҲХББ бошлиғи;

– Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖК ва ТҚКББ бошлиғининг биринчи ўринбосари;

– Ўзбекистон Республикаси ИИБ ИХТ ва ОАВБАҚБ бошлиқларидан таркиб топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб худди шундай тезкор штаблар Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, Транспорт ИИБ ва вилоятлар ИИБларида ҳамда шаҳар-туман ИИБлари ҳудудларида ҳам тузилиши белгиланган.

Ички ишлар органларининг профилактика хизматлари томонидан терроризм ва экстремизмнинг махсус профилактикасини махсус, тезкор-профилактик тадбирлар орқали амалга оширади. Ҳар бир махсус, тезкор-профилактик тадбирлар юзасидан идоравий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилади ва ушбу ҳужжатларда махсус, тезкор-профилактик тадбирларга жалб қилинадиган ходимларнинг сони, куч ва воситаларнинг тақсимоти, жалб этиладиган техник воситалар, ишчи гуруҳ таркиби, штаб ва ходимларнинг хизмат вазифалари каби маълумотлар аниқ қилиб киритилади ва яқка бошчиликда амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, терроризм ва экстремизмга қарши курашишда барча давлат органлари, шу жумладан ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти самарали натижаларни келтириб чиқаради. Ҳамкорликда асосий эътибор фуқароларнинг ҳуқуқий онги, маънавияти юқори бўлишига қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

4-мавзу. ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ ВА ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1-§. Терроризм ва экстремизмнинг якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти.

2-§. Терроризм ва экстремизмнинг якка тартибдаги профилактикасининг асосий йўналишлари, чора-тадбирлари.

3-§. Терроризм ва экстремизмнинг виктимологик профилактикасининг асосий йўналишлари, чора-тадбирлари.

1-§. Терроризм ва экстремизмнинг якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти

Ўзбекистонда содир этилган террористик актлар шунинг кўрсатмоқдаки, бугунги кунда диний экстремизм терроризмнинг асосий манбаларидан биридир.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси махсус қисмининг бир қатор моддаларида кўрсатилган жиноятлар асосан диний экстремизм билан боғлиқ ҳолда содир этилмоқда. Ушбу қилмишларни улар тажовуз қилаётган объектларга қараб қуйидаги беш гуруҳга: фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига; тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига; Ўзбекистон Республикасига; бошқарув тартибига; жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотлар ва кузатишларга кўра, бугунги кунда диний экстремизм билан боғлиқ ҳолда амалдаги Жиноят кодексига кўрсатилган қуйидаги жиноий қилмишлар содир этилмоқда: виждон эркинлигини бузиш (ЖК 145-модда); терроризм (ЖК 155-модда); миллий, ирқий ёки диний адоват кўзғатиш (ЖК 156-модда); давлатга хоинлик қилиш (ЖК 157-модда); Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш (ЖК 158-модда); Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумига тажовуз қилиш (ЖК 159-модда); жосуслик (ЖК 160-модда); қўпурувчилик (ЖК 161-модда); фаолият билан лицензиясиз фойдаланиш (ЖК 190-модда); жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилот-

ларни қонунга хилоф равишда тузиш (ЖК 216-модда); ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш (ЖК 216¹-модда); диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 216²-модда); диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш (ЖК 229²-модда); жиной уюшма ташкил этиш (ЖК 242-модда); жиной фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш (легаллаштириш) (ЖК 243–модда); оммавий тартибсизликлар (ЖК 244-модда); жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ва тарқатиш (ЖК 244¹-модда); диний-экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш (ЖК 244²-модда); контрабанда (ЖК 246-модда) каби жинойтлар шулар жумласидандир.

Бугунги кунда диний экстремизм билан боғлиқ ҳолда содир этилган жинойтларнинг 42,0 фоизини жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид солувчи материаллар тайёрлаш ва тарқатиш, 35 фоизини конституциявий тузумга тажовуз қилиш, 10 фоизини диний-экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш, 8 фоизини миллий ирқий ва диний адоват қўзғатиши ҳамда контрабанда, шунингдек қолган 5 фоизини жиной уюшмалар ташкил этиш каби жиной қилмишлар ташкил этмоқда.

Ички ишлар органларининг диний экстремизм билан боғлиқ жинойтларнинг олдини олиш бўйича фаолиятини ҳуқуқий таъминловчи нормаларнинг амалиётда қўлланишини доимий равишда мониторинг қилиш ва унинг натижалари асосида такомиллаштириб бориш ички ишлар органларининг диний экстремизм билан боғлиқ жинойтларнинг олдини олиш фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жинойтларнинг профилактикасини тўғри ва самарали ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун Республикамизда ушбу фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий асослар замон талабидан келиб чиқиб шакллантирилган.

Терроризм ва экстремизмнинг яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини ташкил этиш ва амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбу-

зарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Хуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, профилактика инспекторлари ва милиция таянч пунктлари фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги йўриқномаси, шунингдек, терроризмнинг якка ва умумий профилактикасини ташкил этишда профилактика инспекторлари давлатлараро шартномалар нормаларига, жумладан 1999 йил 4 июнда Минск шаҳрида МДХ давлатларининг «МДХга аъзо давлатларининг Терроризмга қарши курашда ҳамкорлиги ҳақидаги шартномаси», Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 26 майдаги «Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида Терроризм, сиёсий ва диний экстремизмга, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши ҳамда томонларнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига бошқача таҳдидларга қарши кураш юзасидан ҳамкорликдаги ҳаракатлар тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида»ги қарорлари асосида ташкил этади.

Профилактика инспекторларининг терроризм профилактикаси бўйича фаолияти халқаро ҳужжатлар асосида ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, 1979 йил 17 декабрда Нью-Йорк шаҳрида имзоланган «Гаровга олишга қарши халқаро конвенция», 1997 йил 15 декабрдаги «Бомба орқали содир этиладиган терроризмга қарши кураш ҳақидаги халқаро конвенция»лари талабларига ҳам амал қилади.

Маълумки, жамиятда учрайдиган ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар, ҳуқуқбузарлик ёки жиноят диний экстремизм оқим аъзолари ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноят қандай сабаб ва шароитда содир этилмасин, албатта айбдор шахс, яъни ҳуқуқбузар ёки жиноятчи томонидан содир этилади.

Терроризм ва экстремизмнинг якка тартибдаги профилактикаси фуқароларни тарбиялаш тизимининг элементларидан бири бўлиб, диний экстремизм оқим аъзолари ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноят, хусусан ғайриижтимоий хулқнинг энг охирги даражасигача етишига, яъни жиноят қонуни билан тақиқланган қилмишларни содир этишга йўл қўймасликдан иборат чекланган вазифани ҳал қилади.

Якка тартибдаги профилактик фаолиятини ташкил этишнинг мақсади, диний экстремизм оқим аъзолари ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, уларни ўрганиш, таъсир этиш, уларнинг хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартириш ҳамда уларга салбий таъсир этувчи шарт-шароитларни бартараф этишга йўналтирилган фаолиятдир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг диний экстремизм оқим аъзолари ва диний экстремизм билан боғлиқ ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширади.

Диний экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси оқим аъзоларининг, ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворини, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек диний экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворидан, унинг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигидан ёхуд у ҳуқуқбузарлик содир этганлигидан далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги асос бўлади.

Терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг мажбурловчи ва чекловчи хусусиятдаги якка тартибдаги профилактикаси қонунда назарда тутилган асосларда қўлланилади.

Якка профилактикани амалга ошириш жараёнида терроризм ва диний экстремизм оқим аъзолари ва ҳуқуқбузарнинг хулқ-атворини ўрганиш, керакли профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида профилактика суҳбати ўтказилади.

Терроризм ва диний экстремизм оқим аъзолари билан олиб бориладиган профилактика суҳбати шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини

ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришдан иборат бўлади.

Профилактика суҳбат терроризм ва диний экстремизм оқим аъзолари, шу каби жиноят содир этиши мумкин бўлган шахсни профилактик ҳисобга қўйиш чоғида ҳам ўтказилади.

Виктимология криминология фанида жиноятчиликдан жабрланганлар, яъни жиноят қурбонлари тўғрисидаги таълимот «виктимология» (лотин тилида «victima» – жабрланган, қурбон; «logos» – таълимот) деб эътироф этилган.

Кенг маънода виктимология нафақат ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик натижасида жабрланганларга етказилган зарарни ўрганади, балки бахтсиз ҳодиса, табиий офат, уруш, геноцид, давлатнинг нотўғри сиёсати оқибатида юзага келган жабрланишларни ҳам ўз ичига олади.

Криминология фанида ҳуқуқбузарлик жабрланувчиларининг уларга нисбатан жиноий қилмишнинг содир этилишига алоқадорлиги ҳақидаги илк фикрлар XVIII асрда вужудга келганлиги қайд этилган.

Немис криминолог олими Сара Моржори Фрейнинг (1894–1958) ҳуқуқбузар, жиноятчи ва жабрланувчиларни яраштириш муаммолари билан шуғулланганлиги ҳам тарихдан яхши маълум. Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишида уларнинг жабрланувчиларига айланган шахслар хатти-ҳаракатининг алоқадорлигини алоҳида омил сифатида ўрганиш XX асрнинг биринчи ярмида янада ривожланди. Немис олими Ганс фон Гентингнинг 1948 йилда чоп этилган «Жиноятчи ва қурбон» асарида жабрланувчининг қилмишини унга нисбатан жиноят содир этилишида асосий омил деб кўрсатган. Ганс фон Гентинг жиноятни, уни содир этган шахс билан унинг қурбони ўртасидаги ўзига хос муносабат оқибати эканлигини таъкидлаган.

Ҳозирги кунга келиб виктимология нафақат криминологиянинг алоҳида йўналиши, балки ундан алоҳида фан сифатида ажралиб чиқиш имкониятига эга таълимотлар тизимидир. Ўзбекистонда ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда **виктимологик профилактикани амалга оширишда** алоҳида эътибор берилмоқда.

Виктимология – терроризм ва экстремизмнинг виктимологик профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишнинг жиноий тажовуз объектига айлантирувчи, жиноий алоқадорлик тавсифи ва даражасини белгиловчи уларга хос типик хусусиятлар, шунингдек терроризм ва экстремизм каби жиноят қурбонларининг мустақил ўз

манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш ва бу қобилиятини кучайтириш воситалари ҳақидаги криминологик таълимотдир.

Терроризм ва экстремизм каби жиноят қурбони – бу жиноий тажовуз қилинган жисмоний ёки юридик шахс. Ушбу криминологик тушунча, шунингдек диний оқимга адашиб аъзо бўлиб қолиш ҳамда жиноят қурбони бўлиш эҳтимоли юқори бўлганларни ҳам ўз ичига олади. Жиноят қурбони бўлиш эҳтимоли юқори бўлганлар – бу ўзи билан бир хил бўлган бошқа ижтимоий субъектларга қараганда унга нисбатан жиноий тажовуз эҳтимоли юқори бўлишини кучайтирувчи хусусиятларга эга бўлган шахс.

Терроризм ва экстремизм каби жиноят қурбони криминологик жиҳатдан жабрланувчи деган ҳуқуқий тушунчадан кенг. Криминологияда терроризм ва экстремизм каби жиноят қурбонини ўрганишда асосий эътибор жиноят содир этишга шароит яратиб берган хусусиятларини аниқлашга қаратилган.

2-§. Терроризм ва экстремизмнинг якка тартибдаги профилактикасининг асосий йўналишлари, чора-тадбирлари

Ички ишлар идораларининг профилактика инспекторлари томонидан терроризм ва экстремизмнинг якка тартибдаги профилактикасининг асосий йўналишлари, чора-тадбирлари маъмурий ҳудудда ғайриижтимоий хулқ-атворли, шу каби жиноят содир этишга мойил бўлган ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ҳисобини юритиш, тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали уларни ахлоқан тузатиш, уларда ижтимоий ҳаётга мос хулқ-атвор ва турмуш тарзини шакллантириш, шунингдек ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни ҳуқуқбузарликнинг қурбонига айланиш хавфининг мавжудлиги, хавф туғдираётган ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар, ҳуқуқбузарликларни содир этиш усули, шакли ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш, уларни огоҳликка, хушёрликка чақириш ҳамда хавфсизликни таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Профилактика инспекторлари терроризм ва экстремизмнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-

атворини, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи ва бошқа омилларни ҳисобга олишни амалга оширади.

Терроризм ва экстремизмнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларини профилактика инспекторлари Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунлари талабларига, ушбу йўриқнома ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Вояга етмаганлар томонидан терроризм ва экстремизм каби жиноятлар келиб чиқишининг олдини олиш учун якка тартибдаги профилактик ишлар профилактика инспекторлари ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспекторлари томонидан амалга оширилади.

Терроризм ва экстремизмнинг якка тартибдаги профилактикасини профилактика инспектори профилактика суҳбати, расмий огоҳлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, профилактик ҳисобга олиш, мажбурий даволанишга юбориш, маъмурий назорат ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа профилактик чора-тадбирлар орқали амалга оширади.

Профилактика инспекторлари профилактика суҳбатини маъмурий ҳудудда хизмат олиб бориш вақтида ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, **терроризм ва экстремизм** каби жиноятларни содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахсларга нисбатан уни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтириш, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтириш мақсадида амалга оширади.

Профилактика суҳбатини амалга ошириш жараёнида профилактика инспектори «ишонтириш усулининг устуворлиги», «таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибдаги ёндашиш» принципларига қатъий риоя қилиши керак.

Профилактика инспектори профилактика суҳбатини МТПда, шунингдек шахснинг яшаш, ўқиш, иш жойида ёхуд бевосита ғайри-ижтимоий хулқ-атвор ёки ҳуқуқбузарлик аниқланган жойда ўтказди.

Профилактика инспектори диний оқим хайрихоҳлари билан профилактика суҳбатини амалга оширганлиги ҳақида «Профилактика суҳбатини қайд этиш» китобига қайд этади ҳамда унга келгусида жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этмаслик ҳолатларини давом эттирмаслик, акс ҳолда қонунда белгиланган маъмурий жавобгарлик келиб чиқиши мумкинлигини тушунтиради.

Профилактика суҳбатини амалга оширган профилактика инспектори суҳбат давомида диний оқим хайрихоҳлари билан ўзига хос хусусиятлари, унинг турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший яшаш шароитлари, шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ёки содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқлаши ва бу ҳақда китобга қайд этиши лозим.

Профилактик ҳисобга олинган шахсларга нисбатан яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирларини муайян шахсга нисбатан, ҳар бир шахснинг ижтимоий хавфлилик ҳолати, у содир этган ҳуқуқбузарлик таснифи, турини ҳисобга олинган ҳолда самарали амалга ошириш учун профилактика инспектори ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда яшайдиган бундай шахсларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг махсус қисмларида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишлар объектларидан келиб чиққан ҳолда тоифаларга ажратган ҳолда уларга нисбатан ҳисоб профилактика ишларини, шунингдек улар билан олиб борилган профилактик ишлар натижалари бўйича ҳисоботларни юритади, ҳар бир тоифага алоҳида код рақамлари белгиланади:

конституциявий тузумга қарши ҳамда бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар (*ЖКнинг 157, 158, 159, 160, 161, 162, 163, 216, 216¹, 216², 217, МЖтКнинг 201, 202, 202², 240, 241-моддалари*) коди «профилактик ҳисоб тоифаси (ПХТ)-01»;

тинчлик ва фуқароларнинг хавфсизлигига қарши жиноят содир этганлар (*ЖКнинг 150, 151, 152, 153, 154, 154¹, 155, 156-моддалари*) коди «ПХТ-02»;

жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши ҳуқуқбузарлик содир этганлар (*ЖКнинг 242, 243, 244, 244¹, 244², 244³, 245, 246, 247,*

248, 249, 250, 251, 251¹, 252, 253, 254, 255, 255¹, 256, 257, 257¹, 258, 259, 277, 278-моддалари, МЖтКнинг 183, 184, 184¹, 184², 184³, 187-моддалари) коди «ПХТ-06».

Диний экстремизм оқими аъзоларини профилактик ҳисобга қўйиш учун бир қанча асослар мавжуд бўлган тақдирда, асосларнинг ҳар бири бўйича алоҳида-алоҳида профилактик ҳисобга олиш амалга оширилади, битта ҳисоб профилактика иши юритилади ва ҳар бир тоифа алоҳида кўрсатилади.

Агар диний оқим хайрихоҳлари турли сабабларга кўра яшаш манзилларидан узоқ муддатга кетган ва қайтиб келса шахсларни аниқлаб ҳар бири бўйича «Узоқ муддатга кетганлиги ҳақида маълумот» варақаси тўлдирилиб, тезкор хизматларга тақдим этиб борилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуннинг 36-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган асослардан бири мавжуд бўлганда, профилактик ҳисобга олишни амалга ошириш учун профилактика инспектори шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисида шаҳар, туман ички ишлар органи бошлиғи томонидан тасдиқландиган қарор чиқаради.

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини диний экстремизм оқим аъзолари ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноят содир этганлиги учун жазони ўтаб қайтган, шунингдек илгари судланган шахсларнинг ҳисобини юритиш, уларга тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали ахлоқан тузатиш, уларда ижтимоий ҳаётга мос хулқ-атвор ва турмуш тарзини шакллантириш мақсадида амалга оширилади.

Профилактика инспекторлари диний экстремизмнинг якка тартибдаги профилактикаси профилактика суҳбати, расмий огоҳлантириш, диний экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш, профилактик ҳисобга олиш, маъмурий назорат ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа профилактик чоратадбирлар орқали амалга оширади.

Профилактика инспекторлари томонидан профилактика суҳбати маъмурий ҳудудда диний экстремизмга мойил бўлган, шу турдаги ҳуқуқбузарлик содир этган ва профилактик ҳисобга олинган шахсларга нисбатан уни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтириш, ғайриқонуний хулқ-атвор-

нинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтириш мақсадида амалга оширилади.

Профилактика инспекторлари диний экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун илгари судланган шахсларнинг қонунга асосан профилактик ҳисобга олади. Маъмурий назорат қонун таъсири остига тушувчи бу тоифа шахсларга нисбатан асос бўлувчи ҳужжатларни тўплайди ва судга тақдим этади ҳамда суд қарори асосида маъмурий назорат ўрнатади. Юқоридаги келтирилган тоифадаги шахслар билан профилактика инспекторлари якка тартибдаги профилактик ишларни ташкил этишда инсон шаъни ва қадр қиммати ҳамда ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этмаслиги шарт.

Диний-экстремистик оқим аъзолари билан якка тартибдаги профилактик ишларни ташкил этишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир:

1) диний-экстремистик ғояларнинг нотўғрилигини тушунтиришга ва уни нормал турмуш тарзини танлашига;

2) жамиятда ўз ўрнини топиши ва ишга жойлашиши ҳамда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишига, бунда ушбу тоифадаги шахсларни ишга жойлаштириш чораларини кўради;

3) аввалги хатти-ҳаракатларини давом эттирмаслиги учун улар устидан хуфёна назорат ишларини ташкил этишга;

4) маҳаллада унинг ҳаракатларини муҳокама этиш ва унга жамоатчи тарбиячи бириктириш ҳамда кенг жамоатчиликнинг ёрдамидан унумли фойдаланишга.

Профилактика инспекторлари терроризмнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда қуйидагиларни амалга оширади:

– узоқ вақт уйда бўлмаган ва бедарак йўқолган шахслар ҳақидаги маълумотларга;

– наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний савдоси билан шуғулланувчи гуруҳлар ва шахсларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш чора-тадбирларини белгилаш;

– террористик ташкилотлар аъзолари бўлган шахсларни аниқлаш, уларни тегишли жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

– муқаддам терроризм жиноятларини содир этишда иштирок этган, жиноий жазони ўтаб қайтган ва шунга мойил бўлган шахсларни

профилактик ҳисобга олиш ва улар билан тарбиявий-профилактик ишларини олиб бориш.

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши курашиш тўғрисида»ги 2000 йил 15 декабрь қонунининг **6-моддасида** терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашадилар ва зарур ёрдам берадилар деб кўрсатиб ўтилган. Шулардан келиб чиқиб, профилактика инспекторлари терроризмнинг яқка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда бошқа субъектларнинг ёрдамидан унумли фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

Қонуннинг **8-моддасида** Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати; Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси; Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги терроризмга қарши курашувчи асосий субъектлар сифатида эътироф этилган. Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш борасида ҳамкорликда ҳаракат қилишларини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилади.

Қонуннинг **10-моддасида** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари қуйидагича белгиланган:

– террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ҳамда унинг оқибатларини минималлаштириш йўли билан терроризмга қарши курашни амалга оширади;

– алоҳида муҳим, категорияланган ва бошқа объектларнинг кўриқланишини ва хавфсизлигини таъминлайди;

– давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг тегишли органларига террорчилик фаолиятига алоқадор шахслар, гуруҳлар ва ташкилотлар тўғрисида ахборот тақдим этади.

Терроризм ва экстремизмнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда қуйидагиларни амалга оширади:

– узоқ вақт уйда бўлмаган ва бедарак йўқолган шахслар ҳақидаги маълумотларга;

– наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний савдоси билан шуғулланувчи гуруҳлар ва шахсларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш чора-тадбирларини белгилаш;

– террористик ташкилотлар аъзолари бўлган шахсларни аниқлаш, уларни тегишли жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

– муқаддам терроризм жиноятларини содир этишда иштирок этган, жиноий жазони ўтаб қайтган ва шунга мойил бўлган шахсларни профилактик ҳисобга олиш ва улар билан тарбиявий-профилактик ишларини олиб бориш.

3-§. Терроризм ва экстремизмнинг виктимологик профилактикасининг асосий йўналишлари, чора-тадбирлари

Профилактика инспекторининг терроризмдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолияти терроризмнинг виктимологик профилактикасидир.

Терроризм ва экстремизмнинг **виктимологик профилактикаси бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширади:**

– терроризмнинг салбий оқибатлари, унинг келиб чиқиш сабаблари ва имкон берган шароитлари тўғрисида аҳоли, таълим масканлари, корхона, муассаса, ташкилотларда ҳуқуқий тарғибот ишларини ташкил этиш;

– аҳоли турар жойларида хавфсизликни таъминлаш мақсадида тегишли коммунал хизмат ходимлари билан биргаликда биноларнинг ертўла ва чордоқларини текшириш;

– маъмурий ҳудудда мавжуд бўлган нотурар объектлар (корхона, ташкилот, муассаса, савдо нуқталари, шахобчалар, компьютер ва интернет клублари, ташландиқ ва қаровсиз бинолар)ни кузатувга олиш;

– терроризмдан жабрланувчиларга нисбатан шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказиш;

– ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уни қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

– ғайриижтимоий хулқ-атвор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган террористик ҳаракат тўғрисида ахборот олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ҳузурида ишонч, тезкор алоқа телефонларини, кутқарув хизматларини ташкил этиш;

– терроризм профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатиш.

Профилактика инспекторларининг терроризмнинг профилактикаси бўйича фаолияти ўта долзарб ва мураккаб вазифалардан бўлиб, ушбу ишларни ташкил этишда юксак билим, кўникма ва малакалар талаб этади.

Терроризм ва экстремизм каби ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳудудда фуқароларнинг ёки муайян шахсларнинг терроризм ва экстремизм каби ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида:

терроризм ва экстремизм профилактикаси бўйича ҳуқуқбузарликларни содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланишнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;

аҳолига ва унинг алоҳида тоифаларига жабрланиш хавфини туғдираётган терроризм ва экстремизм каби ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар бериш, бу борада уларни огоҳликка ва ҳушёрликка чақириш ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя этишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Профилактика инспектори терроризм ва экстремизмга оид жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чоратадбирларини Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги тўғрисида»ги қонуни «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни, вояга етмаганлар ўртасида «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни талаблари асосида амалга оширади.

Профилактика инспекторлари томонидан терроризм ва экстремизмнинг виктимологик профилактикаси маъмурий ҳудудда кўп содир этилаётганлиги ёки ижтимоий хавфи ошиб бораётган ҳуқуқбузарликлар ёхуд маълум бир тоифадаги шахсларнинг жабрланиш кўрсаткичининг тобора ошаётганлиги билан криминоген вазият барқарорлигига таҳдидлар кучайган ҳолларда, маълум бир турдаги ҳуқуқбузарлик ҳамда жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган маълум бир тоифадаги шахслар хусусиятидан келиб чиқиб, тарғибот-ташвиқот ёки бошқа турдаги профилактик чора-тадбирлар асосида фуқароларни огоҳликка, ҳушёрликка ва хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя этишга чорлаш ва бунга эришиш мақсадида амалга оширилади.

Терроризм ва экстремизм каби жиноят ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва кўриб чиқиш жараёнида профилактика инспекторлари жабрланувчиларнинг шахсини, ҳуқуқбузарлик содир этилишидаги ўрни ва ролини, жабрланишнинг сабаби ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлайди ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширилишини таъминлайди.

Профилактика инспекторлари терроризм ва экстремизмнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи орган ва муассасалар ва «Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар», шунингдек қутқарув хизматлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Ички ишлар органлари терроризм ва экстремизм каби виктимологик профилактик фаолиятининг асосий объектларига қуйидагилар киради:

- билим савияси юқори бўлмаган шахслар;
- ишонувчан содда одамлар;
- тадбиркорлар;
- бепарво шахслар;
- ҳайдовчилар;
- тунги қоровуллар;
- ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этувчи шахслар;

– интернет сайтларидан иш қидириб турли эълон ва маълумотларни истаб, ўзи англамаган ҳолда тақиқланган диний-экстремистик руҳдаги сайтларга кириб қолувчи шахслар ва бошқ.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бугунги кунда терроризм ва экстремизм таъсирига тушган шахсларнинг аксариятини аёллар ва вояга етмаганлар ташкил этади. Терроризм ва экстремизмнинг таъсирига тушган шахсларнинг кўпчилиги ҳуқуқий билимларга эга эмаслиги аниқланган. Шу боис терроризм ва экстремизмнинг виктимологик профилактикасини ташкил этишда фуқароларнинг ҳуқуқий билимларни ҳамда уларда «мафкуравий иммунитет»ни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

5-мавзу. ХУДУДИЙ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ТЕРРОРИЗМ ВА ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИГИ

1-§. Профилактика инспекторининг терроризм ва экстремизмнинг профилактикаси бўйича ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари, ҳуқуқий асослари.

2-§. Профилактика инспекторининг терроризм ва экстремизмнинг профилактикаси бўйича бошқа давлат органлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари, ҳуқуқий асослари.

3-§. Профилактика инспекторининг терроризм ва диний экстремизм профилактикаси бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат, нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари, ҳуқуқий асослари.

1-§.Профилактика инспекторининг терроризм ва экстремизмнинг профилактикаси бўйича ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари, ҳуқуқий асослари

Бугунги кунда терроризм ва диний экстремизм балосига қарши курашиш ички ишлар органларининг бир қатор хизматларининг асосий фаолият йўналиши сифатида белгиланган. Шулар қаторида айнан диний экстремизм ҳамда терроризм профилактикасини амалга ошириш ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий субъекти ҳисобланган профилактика хизматлари ҳамда уларнинг таркибидаги профилактика инспекторининг асосий фаолият йўналишидир.

Профилактика инспектори МТП негизидаги фаолият йўналишларидан бири бўлган терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича асосий вазифалари ҳамда ҳамкорлигини ташкил этиш тартиби ИИВнинг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Профилактика инспектори маъмурий ҳудудда терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда ушбу йўналишда ижобий натижаларга эришиш

мақсадида ички ишлар органларининг бошқа соҳа хизматлари билан ҳамкорлик қилади. Профилактика инспектори терроризм ва диний экстремизм профилактикаси бўйича фаолиятни амалга оширишда ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг мазкур ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, ИИВнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талаблари асосида ташкил этилади.

Юқорида келтирилган қонунлар ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2014 йил 1 сентябрдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, профилактика инспектори ва милиция таянч пунктлари фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги норматив-ҳуқуқий ҳужжатини келтириб ўтишимиз мумкин. Ушбу ҳуқуқий асосларда профилактика инспекторининг ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан терроризм ва диний экстремизм профилактикасини амалга оширишдаги асосий ваколатлари ва фаолиятининг йўналишлари, ҳамкорлиги ҳамда ушбу фаолиятни амалга ошириш тартиби ва шартлари белгилаб берилган.

Профилактика инспектори терроризм ва диний экстремизм профилактикаси бўйича ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, шу жумладан ЖК ва УЖҚКБ, ТБ, ППХ ва ЖТСБ, ЁХБ, ҚБ, ХЧК ва ФРБ, НК, ЙҲХ ва бошқалар билан қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қилади.

Профилактика инспекторининг жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш хизмати ходимлари билан терроризм ва диний экстремизмнинг профилактикаси бўйича ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– конституциявий тузумга қарши қаратилган жиноятлар, жумладан терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

– суриштирув органлари, суд ва терговдан диний-экстремистик ва терроризм билан боғлиқ жиноят содир этиб, яширинган шахс-

ларни, бедарак йўқолганлар қидируви ҳамда шахси номаълум мурдаларни аниқлаш;

– ҳудудда содир этилган терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноятларни иссиқ изидан, тез ва сифатли очиш, ўтган йилларда содир этилиб, очилмай қолган жиноятларни фош этиш, шунингдек терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ бошқа нохуш ҳодиса ва ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш.

Профилактика инспекторининг терговчилар билан терроризм ва диний экстремизмнинг профилактикаси бўйича ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– тергов-тезкор гуруҳи раҳбарининг кўрсатмаси асосида диний экстремизм билан боғлиқ жиноят содир этилган жойни кўздан кечириш, ушбу жиноятларни «иссиқ изи»дан очиш билан ҳал қилувчи дастлабки ҳаракатлар ва бошқа процессуал тадбирларни амалга ошириш;

– очилмай қолган терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноятларни очиш бўйича ҳамкорликдаги ишларни ташкил этиш;

– Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 35-моддаси 3 ва 4-бандларига мувофиқ, шахсни профилактик ҳисобга қўйиш;

– биргаликдаги жиноятларнинг олдини олиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш бўйича ҳуқуқий тарғибот ишларини ташкил этиш.

Профилактика инспекторининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспектори билан терроризм ва диний экстремизмнинг профилактикаси бўйича ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси ва ҳуқуқий тарғиботни олиб боришда уларга терроризм ва диний экстремизм тушунчаси, сабаб ва шароитлари ҳамда салбий оқибатларини тушунтириш;

– вояга етмаганлар ўртасида терроризм ва диний экстремизмнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш;

– ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни аниқлаш ҳамда улар билан яқка тартибда профилактика ишлари олиб бориш;

– вояга етмаганларга диний таълимотдан сабоқ бераётган ёки диний-экстремистик ва террористик ташкилотларга жалб этаётган, шунингдек вояга етмаганларни тарбиялаш, таълим бериш, шахсий хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, назорат-сизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган, лозим даражада бажармаётган, уларнинг хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатаётган, улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналарни ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлаш ҳамда уларга нисбатан қонуний таъсир чораларини қўллаш.

Профилактика инспекторининг патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизмати ходимлари билан терроризм ва диний экстремизмнинг профилактикаси бўйича ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– кўчалар ва бошқа жамоат жойларида диний либосда юрган ҳамда диний экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва чеклаш, ваколатлари доирасида умумпрофилактик тадбирлар ўтказиш ҳамда хизмат олиб бориш жараёнида фуқароларга тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш;

– ўтказиладиган оммавий тадбирлар давомида оператив вазиятни ўрганиш, муқаддам терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноят содир этганлиги учун судланиб профилактик ҳисобда ҳамда маъмурий назоратда турувчи, ушбу турдаги жиноят содир этишга мойил шахслар, диний-экстремистик оқим аъзоларининг хатти-ҳаракатларини назорат қилиш ва ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарлик содир этаётган шахсларни ушлаш ва уларнинг хатти-ҳаракатларига чек қўйиш;

– диний-экстремистик кўпорувчилик, террорчилик фаолияти кўринишлари, наркотик моддалар, ўқотар қурол-аслаҳаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш, шунингдек бошқа тажовузларни аниқлаш ва уларнинг содир этилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш.

Профилактика инспекторининг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати ходимлари билан терроризм ва диний экстремизмнинг профилактикаси бўйича ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– ҳудудда истиқомат қилувчи фуқароларнинг паспорт тизими қоидаларига риоя этишларини таъминлаш;

– чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистонда бўлиш қоидаларига риоя этишларини таъминлаш;

– узоқ муддатга бошқа давлатларга чиқиб кетган Ўзбекистон фуқароларининг ҳисобини юритиш;

– аҳолининг фуқаролик билан боғлиқ қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай риоя этишларига хизмат қиладиган ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш.

Профилактика инспекторининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини назорат қилиш хизмати ходимлари билан терроризм ва диний экстремизмнинг профилактикаси бўйича ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– муқаддам терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноят содир этганлиги учун ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоси тайинланган ва шартли ҳукм қилинганларни назорат қилиш, бундай тоифадаги шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

– ушбу тоифа шахсларнинг профилактик ҳисобини юритиш, уларнинг такроран жиноят содир этишларининг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш.

Профилактика инспекторининг **қўриқлаш хизмати** ходимлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– маъмурий ҳудудда жойлашган объектларни қўриқловга олиш, фуқаролар хонадонларининг «Техник қўриқлаш пункти»га уланишини ташкил этиш, бу борада ташвиқот ва тарғибот ишларини амалга ошириш;

– қўриқловга олинган ҳудуд ва объектларни текшириш, келиб чиқиши мумкин бўлган терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф қилиш.

Профилактика инспекторининг ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари терроризм ва диний экстремизмнинг профилактикаси бўйича ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– маъмурий ҳудудда фуқаролар томонидан ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини таъминлашда ва ёнгинлар келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида тайёргарлик кўрилаётган диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумот-

ларга эътибор қаратиш ҳамда бундай ҳолатлар аниқланганда зудлик билан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Профилактика инспекторининг эксперт-криминалистика хизмати ходимлари билан терроризм ва диний экстремизмнинг профилактикаси бўйича ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноят содир бўлган жойдаги жиноят излари ва ашёвий далилларнинг сифатли олинишини таъминлаш;

– терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларига алоқадор излар ва далилларни аниқлаш, олиш ҳамда улардан фойдаланишни ўзаро ўрганиб, малакасини ошириб бориш.

2-§. Профилактика инспекторининг терроризм ва экстремизмнинг профилактикаси бўйича бошқа давлат органлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари, ҳуқуқий асослари

Маълумки, Ўзбекистонда ижтимоий-маънавий муҳитни янада барқарорлаштириш бўйича қабул қилинаётган дастурларнинг асосий йўналишларидан бири – бу республикамизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролараро, миллатлараро, динлараро аҳиллик ва ҳамжихатликни кўз қорачиғидек асраш ва мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Бу ҳар бир ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ваколатига эга бўлган субъектдан юрт тинчлигини асрашга қаратилган амалий ишларни энг устувор вазифалардан деб билишни талаб қилади. Бунинг учун эса ўзини юрт тақдири учун масъул ҳисобловчи ҳар бир инсон, авваламбор, давлатимиз ва жамиятимиз тинчлигига раҳна солишга уринаётган ёвуз кучларнинг манбаси, мазмун-моҳияти ҳақида аниқ тушунчаларга, тасаввурларга эга бўлиши ва халқимизни ушбу таҳдидлардан огоҳ эта билиши керак.

Ўзбекистонни дунёвий-маърифий ва демократик тараққиёт йўлидан оғдиришга ҳаракат қилаётган турли ақидапараст ва террористик гуруҳ аъзолари иродаси бўш, билимлари саёз кишиларни, айниқса ёшларни ўз таъсир доираларига тортишга уринмоқда. Мутаассиб

оқим аъзоларининг бош мақсади, «Жиход», «Ҳижрат», «Шаҳидлик» каби диний тушунчаларни сохта талқин қилиш орқали ёшларимизни оиласи ва яқинларининг таъсиридан чиқариш, ўқиш ёки ишидан ажратиб олиш ҳамда уларни қуролли тўқнашувлар кетаётган Афғонистон, Покистон, Сурия, Украина каби мамлакатларга жўнатиб, манқурт, жангари ёки «Тирик бомба»га айлантиришдан иборат.

Жаҳонда бўлаётган диний экстремизм билан боғлиқ бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ислом экстремистлари ва фундаменталистларининг таъсири кучайиб бориши мустақилликни қўлга киритиб, ўзининг танлаган йўлидан оғишмай олға бораётган Ўзбекистон ва унга қўшни мамлакатлар учун хавф туғдиради.

Ислом экстремизмининг асосини ташкил этувчи жангари ташкилот ва уюшмалар Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Масалан, Сурияда – «Мусулмон биродарлар», «Жанговар авангард», «Ислом озодлик ҳаракати», «Муҳаммад қанотлари», «Оллоҳ аскарлари»; Марокашда – «Ислом авангарди»; Тунисда – «Ислом ориентацияси» ҳаракати, «Шўро» ислом партияси, «Ислом озодлик партияси», «Ислом авангарди»; Мисрда – «Ислом озодлик партияси», «Ислом гуруҳлари», «Муҳаммад ёшлари», «Муқаддас уруш» ташкилоти, «Янги муқаддас уруш»; Суданда – «Ислом республикаси партияси»; Саудия Арабистонида – «Заҳмат чекканлар Ҳусайн кўмитаси» каби ташкилотлар мавжуд. Мазкур ташкилотларнинг ноқонуний фаолияти мустақил Ўзбекистоннинг бир қатор қонунлари, жумладан, Конституциямизнинг

57-моддасида конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистонда динга бўлган муносабат 1992 йили 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида олиб борилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида мамлакат фуқароларининг виждон эркин-

лиги ҳуқуқи шундай баён қилинган: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашлар мажбуран сингдирилишига йўл қўйилмайди». Шунингдек, Конституция-мизнинг 61-моддасида диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

Бугунги кунда ҳудудий профилактика инспекторлари фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлашда, шунингдек уларнинг турли ёт ғоялар гирдобига тушиб қолишнинг олдини олиш, террористик ва диний-экстремистик ташкилотларнинг фаолият юритишининг олдини олиш, уларнинг фаолиятига кескин зарба бериш бўйича давлат органлари ва уларнинг муассасалари, жумладан суд, прокуратура, божхона, соғлиқни сақлаш, миллий хавфсизлик хизмати, адлия, давлатда вазиятлар ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилади.

Профилактика инспекторларининг суд органлари билан ҳамкорлиги қуйидагича:

- диний экстремизм жиноятини содир этиб жиноий жавобгарликка тортилган шахслар ҳақидаги маълумотларни олиш;
- диний экстремизм бўйича жиноий иш қўзғатилган тақдирда айбдор ва гувоҳларни судда иштирок этишини таъминлаш;
- диний экстремизм билан боғлиқ жиноий хатти-ҳаракат натижасида етказилган моддий зарарни қоплашга доир қонунларнинг ижросини таъминлашда иштирок этиш;
- МЖТКнинг 240–241-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш жараёнида ёрдам кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикаси «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 35 ва 36-моддаларига мувофиқ шахсни профилактик ҳисобга қўйиш.

Профилактика инспекторларининг **прокуратура** органлари билан ҳамкорлиги қуйидагилардан иборат:

- ҳудудда содир бўлиши мумкин бўлган терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик, жиноят, бошқа нохуш ҳодиса ва ҳолатларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишда ўзаро амалий ёрдам кўрсатиш;

– терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ содир этилган жиноятларни, айниқса уларнинг прокуратура органлари терговига тегишлиларини фош этиш, шунингдек суриштирув ишларини олиб бориш бўйича алоҳида топшириқларни бажариш;

– терроризм ва диний экстремизмнинг олдини олишга қаратилган аҳолининг ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича амалга ошириладиган тадбирларда иштирок этиш.

Профилактика инспекторларининг **миллий хавфсизлик** хизмати ходимлари билан ҳамкорлиги қуйидагича:

– миллий хавфсизликка таҳдид соладиган иллатларнинг, жумладан, терроризм ва диний экстремизмнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни аниқлаш, уларни бартараф қилиш чораларини кўриш ҳамда бу борада биргаликда ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш;

– тинчлик ва хавфсизликка қарши ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларнинг ҳисобини юритиш, шунингдек муқаддам шундай жиноятларни содир этган шахслар билан яқка тартибдаги ва махсус профилактик тадбирларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш;

– ҳудудда содир этилган тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятларни фош этиш, шунингдек суриштирув ишларини олиб бориш бўйича алоҳида топшириқларни бажариш.

Профилактика инспекторининг **адлия органлари** ходимлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари:

– терроризм ва диний экстремизм ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан ушбу тоифа ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

– жамиятда терроризм ва диний экстремизмга қарши аҳолининг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятни амалга ошириш;

– терроризм ва диний экстремизм ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ижросини таъминлаш ва ижодкорлик фаолиятида иштирок этиш.

Профилактика инспекторларининг **божхона органлари** ходимлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагича:

– божхона чегараси ва унга туташ ҳудудларда терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик, жиноят ва бошқа салбий ҳодисаларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни бартараф қилишда кўмаклашиш;

– божхона чегараси ва унга туташ ҳудудларда содир этилган МЖТКнинг 240, 241-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш ва ҳал этиш, шунингдек содир этилган терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноятларни «иссиқ изи»дан очиш, шу мақсадда суриштирув, тезкор-қидирув тадбирларини олиб боришда иштирок этиш.

Профилактика инспекторининг ҳудудий **мудофаа органлари** ходимлари ўртасидаги ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– аҳолини, жумладан вояга етмаганлар ва ёшларни маънавий-ахлоқий ҳамда ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларни давлатни терроризм ва диний экстремизм хуружидан ҳимоя қилишга ахлоқий-руҳий жиҳатдан тайёрлаш ишларини амалга оширишда кўмаклашиш.

Профилактика инспекторларининг **таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари** ходимлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагича:

– терроризм ва диний экстремизмнинг олдини олиш мақсадида вояга етмаганлар ва ёшларнинг умумий ўрта, ўрта махсус таълим муассасаларида ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда иштирок этиш;

– таълим олувчилар, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар ўртасида терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

– таълим олувчилар орасида диний экстремизмга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўришда ёрдам кўрсатиш;

– вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни биргаликда амалга ошириш.

Профилактика инспекторларининг **меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш органлари** ходимлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– терроризм ва диний экстремизмнинг олдини олиш мақсадида аҳолининг ижтимоий-ҳуқуқий ёрдамга муҳтож қатламларини иш билан таъминлашга кўмаклашиш;

– илгари терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноят содир этганлиги учун жазони ижро этиш муассасаларидан жазони ўтаб қайтган, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинганларни иш билан таъминлашга ёрдам бериш.

Профилактика инспекторларининг ҳудудий **ФВВ** ходимлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагича:

– диний-экстремистик ва террористик ташкилот аъзоларининг қандай фавқулодда вазиятларни вужудга келтиришини аниқлаш;

– диний-экстремистик ва террористик ҳаракатлар натижасида юзага келган фавқулодда ҳолатларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

Юқоридаги келтирилган давлат органлари ва уларнинг муассасалари билан профилактика инспекторининг терроризм ва диний экстремизмнинг профилактикаси бўйича ҳамкорлиги нафақат бугунги кун давр талаби бўлибгина қолмасдан, балки ушбу йўналишда самарали натижаларга эришишнинг ишончли ва тўғри йўлидир десак, асло муболаға бўлмайди.

3-§. Профилактика инспекторининг терроризм ва диний экстремизм профилактикаси бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат, ноижорат ташкилотлари ва фуқаролар билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари, ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон ўз мустақиллиги ва суверенитетини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб, жамиятда барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини асрашга ҳал қилувчи вазифалардан бири сифатида қараб келинади.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунининг

қабул қилиниши мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришда фуқаролар ва уларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллигини ошириш, аҳолининг ўзаро ҳамжихатлигини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, шунингдек жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларни профилактикасини амалга ошириш, қолаверса ушбу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жумладан ички ишлар органлари ҳамда унинг таркибий хизмати бўлган профилактика хизматлари ва профилактика инспектори билан ҳамкорлигини янада такомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши ва унинг 21-моддаси бевосита ҳар қандай турдаги ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан терроризм ва диний экстремизм профилактикасини амалга оширишда иштирок этиши қонуний асосга эга бўлди. Айнан профилактика инспекторининг терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби ва ҳамкорлигининг асосий йўналишлари ИИВнинг 2014 йил 1 сентябрдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, профилактика инспектори ва милиция таянч пунктларининг фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги норматив-ҳуқуқий ҳужжатида белгилаб берилганлиги мазкур соҳада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат, ноижорат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги бугунги кунга қадар юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этишга асос бўлди.

Шахс, жамият ва давлатнинг терроризм ва диний экстремизмдан хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг суверенитетини ва худудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни сақлаш ва ушбу йўналишдаги профилактика инспекторининг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда профилактика инспектори ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотларининг ҳамкорликдаги фаолияти тегишли қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида муайян бир нуқтага йўналтирилди ва мувофиқлаштирилди.

Худудий профилактика инспектори терроризм ва диний экстремизм профилактикаси бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари билан турли йўналишларда ҳамкорлик қилади.

Профилактика инспекторининг **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари** билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– аҳоли, энг аввало ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган тадбирлар, ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш орқали уларда ғоявий иммунитетни шакллантириш;

– фарзандларини назоратсиз қолдирганлиги оқибатида уларнинг диний-экстремистик оқимларга кириб қолиш ёки диний-экстремистик оқимларга жалб этувчи ота-оналар ёки бошқа шахсларнинг хулқ-атвори, қилмиши, турмуш тарзи ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича чора-тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш;

– фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқига риоя этилишини таъминлаш;

– рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

– диний экстремизм профилактикасини амалга ошириш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларни амалга ошириш;

– диний экстремизм ҳуқуқбузарлигининг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан биргаликда чора-тадбирларни амалга ошириш;

– фуқароларнинг диний эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбурлаб сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриш;

– илгари терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жинояти учун озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган, шартли ҳукм қилинган, жазони ижро этиш муассасаларидан шартли озод этилган, маъмурий назорат ўрнатилган, профилактик ҳисобда турган ва бошқа шу каби шахсларнинг турмуш тарзини назорат қилиш, улар билан тарбиявий-профилактик ишларни олиб бориш;

– маҳаллада хавфсизликни таъминлаш мақсадида хонадонларга кириб чиқиб, фуқароларнинг айниқса диний экстремизм оқим аъзоларининг оилавий турмуш тарзини ўрганиш ва мавжуд муаммоларни тегишлилиги бўйича ҳал этиш чораларини кўриш;

– фуқароларга паспорт тизими қондасига амал қилган ҳолда яшашлари шартлиги, доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтмасдан яшашларига йўл қўймаслик, хонадонларини ноқонуний равишда ижарага бермаслик юзасидан тушунтиришлар олиб бориш;

– илгари терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жинояти учун судланган профилактик ҳисобда турган шахсларга маҳалла фаоллари ва жамоатчилик вакилларидан мураббийлар бириктириш, уларни кенг жалб этган ҳолда тарбиявий таъсир чораларини кўриш;

– маъмурий ҳудудда истиқомат қилувчи фуқароларнинг узоқ муддатга чет элга чиқишлари ва қайтиб келишларининг ҳисобини юритишда кўмаклашиш;

– жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ содир этилган жиноятларни фош этиш, қидирувдагиларни аниқлаш, фуқароларни огоҳликка чақириш, уларни турли хил диний-экстремистик ва террористик тажовузлардан ҳимояланиш усуллари билан таништириш, шунингдек зарурий мудофаа, охирги зарурат қоидаларига риоя этган ҳолда ҳимояланиш йўлларини ўргатиш бўйича тадбирларини биргалликда амалга ошириш;

– виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 274-сонли қарорига асосан профилактика инспектори терроризм ва диний экстремизм профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги жамоат тузилмаси – «Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» ҳамда комиссиялар – «Фуқаролар йиғинининг маърифат ва маънавий масалалари бўйича комиссияси», «Фуқаролар йиғинининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси» билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 мартдаги «Фуқа-

ролар йиғинининг «маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси билан ҳамкорлик қилади.

Профилактика инспектори **фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси** билан терроризм ва диний экстремизм профилактикасини амалга оширишда қуйидаги йўналишда ҳамкорлик қилади:

– жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда фуқаролар фаоллигини оширишга кўмаклашиш;

– фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни кўриб чиқиш бўйича фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

– носоғлом диний ғоялар таъсирига тушиб қолган оилалар ва фуқаролар йиғини аъзолари билан, шунингдек жиноят содир этганлиги учун жазо муддатини ўтаётган ёки ўтаб қайтган шахсларнинг оилалари билан алоҳида иш олиб бориш, уларнинг ижтимоий ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш.

Профилактика инспекторининг **фуқаролар йиғинининг маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссияси** билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– диний экстремизм, диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, уларнинг салбий оқибатларини тушунтириш, шунингдек уларнинг олдини олиш, аҳолини хушёрлик ва огоҳликка даъват этишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

– миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунчалари ва маънавият тарғиботига оид ваколатли давлат органлари қарорларини ижтимоий ҳаётга татбиқ этишда фаол қатнашиш;

– рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик чораларини кўриш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича фуқаролар йиғини кенгашига кўмаклашиш.

Профилактика инспекторининг **фуқаролар йиғинининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси** билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– вояга етмаганлар ва ёшларнинг миллий маънавиятимизга зид бўлган салбий иллатлар ҳамда турли экстремистик оқим аъзолари таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

– ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турган барча тоифадаги шахслар вояга етмаган фарзандларининг яшаш тарзи ва хулқ-атворини мунтазам равишда ўрганиб бориш.

Профилактика инспекторининг **«Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси** билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– ҳуқуқбузарлик ва жинойтчиликнинг олдини олиш, бу борада аҳоли билан турли профилактика тадбирлари ўтказиш;

– халқимиз маънавиятига зид бўлган турли салбий таъсирларнинг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишларини самарали ташкил этиш ва ўтказишда қатнашиш;

– жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга кўмаклашиш, ҳуқуқбузарлик, жинойтчилик, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда фуқаролар фаоллигини ошириш ишларида қатнашиш;

– вояга етмаганларни турли ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундовчи шахсларни, ёшлар онгини захарлаб, уларни турли диний-экстремистик ғоялар таъсирига олиш мақсадида бундай ташкилотларга аъзо бўлишга даъват этувчи, турли ноқонуний тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борувчи шахсларни, ўсмирларга қонунга хилоф равишда диний таълим берувчиларни, конституциявий тузумга қарши турли ахборотларни тарқатувчи шахсларни аниқлаш ҳамда улар билан профилактик-тарбиявий ишлар олиб бориш.

Профилактика инспектори **нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар** билан ҳудудда норасмий фаолият кўрсатаётган диний ҳужралар, ноқонуний фаолият кўрсатаётган масжидлар ҳамда экстремистик диний ташвиқотлар юргизувчи фуқаролар, отин ойилар, имомхатибларни аниқлаш борасида аҳоли ўртасида турли давлат ва нодавлат идоралари, айниқса дин ишлари бўйича қўмиталар билан ҳамкорликда кенг тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боришда ҳамкорлик қилади.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
-----------------------	----------

1-мавзу. ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФИ ВА БУГУНГИ ҲОЛАТИ

1-§.Терроризм ва экстремизмнинг ижтимоий хавфи	6
2-§.Терроризм ва диний экстремизмнинг бугунги ҳолати	15

2-мавзу. ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМНИНГ САБАБ ВА ШАРОИТЛАРИ

1-§.Терроризм ва экстремизмни вужудга келишининг маънавий - ғоявий омиллари	27
2-§.Терроризм ва экстремизмни вужудга келишининг иқтисодий-ижтимоий омиллари	42

3-мавзу. ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМНИНГ УМУМИЙ ВА МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1-§.Терроризм ва экстремизмнинг умумий ва махсус профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти, ҳуқуқий асослари	48
2-§.Терроризм ва экстремизмнинг умумий профилактикасининг асосий йўналишлари, чора-тадбирлари	53
3-§. Терроризм ва экстремизмнинг махсус профилактикасининг асосий йўналишлари, чора-тадбирлари	57

4-мавзу. ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ ВА ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1-§.Терроризм ва экстремизмнинг якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти	67
2-§.Терроризм ва экстремизмнинг якка тартибдаги профилактикасининг асосий йўналишлари, чора-тадбирлари	72
3-§. Терроризм ва экстремизмнинг виктимологик профилактикасининг асосий йўналишлари, чора-тадбирлари	78

**5-мавзу. ҲУДУДИЙ ПРОФИЛАКТИКА
ИНСПЕКТОРИНИНГ ТЕРРОРИЗМ ВА ДИНИЙ
ЭКСТРЕМИЗМ ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИГИ**

1-§.Профилактика инспекторининг терроризм ва экстремизмнинг профилактикаси бўйича ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари, ҳуқуқий асослари	82
2-§. Профилактика инспекторининг терроризм ва экстремизмнинг профилактикаси бўйича бошқа давлат органлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари, ҳуқуқий асослари	87
3-§.Профилактика инспекторининг терроризм ва диний экстремизм профилактикаси бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат, ноижорат ташкилотлари ва фуқаролар билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари, ҳуқуқий асослари	92

МУХТОРОВ Жўрабек Сайидкулович,
АЛИМОВ Баҳром Фозилович,
ХЎЖАҚУЛОВ Сиёвуш Бахтиёрович

ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ ТАКТИКА ВА МЕТОДИКАСИ

**(Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
мутахассислиги учун)**

Маърузалар курси

*Муҳаррир Б.Қ. Эргашев
Техник муҳаррир Д.Р. Джалилов*

Босишга рухсат этилди 10. 12. 2016. Нашриёт ҳисоб табағи 5,6.
Буюртма № . Адади 20 нусха.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.